VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

11 (72) 2010 йил 17 март, чоршанба • Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси www.milliytiklanish.uz



**Баркамол авлод тарбияси**

Миллий спорт ўйинларимиз баркамол авлод тарбиясида мустақил дунёқараш ва эркин тафаккурни шакллантириш, ўз билими ва кучига ишониб яшайдиган инсонни тарбиялаш, ёшларимиз онгида муқаддас қадриятларимизни асраб-авайлаш, ватанпарварлик туйғусини камол топтиришга хизмат қилади.

3-бет



**Байрам тараддуди**

Наврўз тантаналари Гулистон шаҳар маданият ва истироҳат боғи олдида, «Яшил театр»нинг ёзги саҳнасида, О.Хўжаев номли вилоят драма театри ёнидаги амфитеатрда, педагогика коллежи боғларида, Дўстлик қўрғони гузарида ўтказилиши режалаштирилган.

5-бет



**Трансчегаравий сувлардан фойдаланиш**

Орол денгизи ҳавзасидаги сув ресурслари шаклланишининг Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида тақсимланганда, 36% - Тожикистонга, 34% - Қирғизистонга, 17% - Афғонистонга, 5% - Қозоғистон ва 8% - Ўзбекистон улушига тўғри келади.

7-бет

MT БУГУНГИ СОНДА:

СИЁСАТ 2-бет
Тошга битилган достон
Қонун лойиҳасида миллий қадриятлар акси

ПАРТИЯ ҲАЁТИ 3-бет
Баркамол авлод тарбияси
Дастурий вазифаларнинг амалий ифодаси

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ 4-бет
Миллий ғурур
Оиладаги соғлом муҳит

МАЪНАВИЯТ 5-бет
Мангу мувозанат

ЖАРАЁН 6-бет
Иқтидорли ва салоҳиятли ёшлар
Китоблар нега олиб қўйилди?

ХАЛҚАРО ҲАЁТ 7-бет
Сайёрамиз ғаройиботлари
Дунёдан дараклар

НИГОҲ 8-бет
Хуш келдинг, Наврўз!

ФРАКЦИЯ ҲАЁТИ

## Қонун лойиҳасида миллий қадриятлар акси

***Ўзбекистон "Миллий тикланиш" Демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатаси ялпи йиғилиши муҳокамасига киритилиши назарда тутилаётган қарор ва қонун лойиҳалари муҳокама қилинди. Йиғилишни Қуйи палата Спикери ўринбосари, фракция раҳбари Улуғбек Муҳаммадиев олиб борди.***





Дастлаб Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг 2009 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисобот тингланди. Унда айтилишича, ЎзМТДП Уставига мувофиқ аъзолик бадаллари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан берилган хайрия ёрдамлари, амалдаги қонунларга зид бўлмаган барча тушумлар ҳамда давлат бюджетидан ажратилган маблағлар партиянинг молиялаштириш манбасини ташкил этган.

2-бет

БАРКАМОЛ АВЛОД

*Илму маърифат инсонни юксакка кўтаради. XXI асрда, мен ишонаман, маданият учун, илму маърифат учун жонини берадиган ва буни ҳаётининг асосий мақсади қилиб қўядиган янги авлод пайдо бўлади. Биз ана шу авлод учун яшаяпмиз.*

**Ислом КАРИМОВ**

## Иқтидорли ва салоҳиятли ёшлар

ВАТАНИМИЗ КЕЛАЖАГИ ВА ТАЯНЧИ




### Муқаддима

Президентимиз томонидан 2010 йилни юртимизда "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши том маънода мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатимизнинг мантиқий давоми бўлди. Негаки, барча саъй-ҳаракатларимизнинг негизида фарзандларимизнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради. Мамлакатнинг келажаги ва умиди бўлмиш ёш авлоднинг баркамоллиги йўлидаги хайрли ишларга бағишланиши, **бир томондан**, ёшлар учун яратилаётган шарт-шароит ва имкониятларнинг кўламини янада кенгайтирса, **иккинчи томондан,** биз устозлар учун ўз фаолиятимиз давомида янада самарали ва масъулиятли меҳнат қилиш заруратини тақозо этади.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида ёшларимизнинг билимли, заковатли, етук ва баркамол инсон бўлиб камол топиши учун асрларга татигулик ишлар амалга оширилди. Аввало, уларнинг замонавий билим олиши учун моддий, сиёсий-маънавий, ҳуқуқий асослар ҳамда зарур шароитлар яратилди. Замонавий техникалар билан жиҳозланган синфхоналар, аудиториялар, лабораториялар улар ихтиёрига топширилди. Талабалар ва аспирантлар учун турар-жойлар қурилди, мавжудлари таъмирланиб, янги жиҳозлар билан таъминланди. Қолаверса, ушбу талабалар уйлари қошида спорт майдончалари барпо этилди. Албатта, буларнинг ҳаммаси кимгадир кўз-кўз қилиш учун эмас, балки эртанги порлоқ келажагимизни таъминлаш учун амалга оширилди. Шу саъй-ҳаракатларимиз туфайли бугунги ёшлар бошқача фикрлайдиган, билимли, заковатли, Ватанни севадиган инсонлар бўлиб камол топмоқда. Қиёсий айтганда, шу тариқа келажак учун тамал тоши қўйилади.

6-бет

ТАРИХ – МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

## Тошга битилган достон

АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ 7 МИНГ ЙИЛЛИК ТАРИХИДАН СЎЗЛАЙДИ. БУ ЕРДА ТУРИЗМ ВА ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ЎзМТДП ВА ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК ҲАРАКАТИ БИРГАЛИКДА ИШ ОЛИБ БОРИШГА КЕЛИШИБ ОЛДИЛАР

Юртбошимиз 1999 йил ноябрь ойида Навоий вилоятига ташриф буюриб, вилоят фаоллари, кенг жамоатчилик билан учрашганда, сиз ҳар куни кўриб, кезиб юрган Кармана тарихини биласизларми? Унга ёндаш қадимий Учтут шахтаси, Сармишсой қоятош расмларини-чи, деган эдилар. Юрт раҳбарининг куюнчаклик билан қилган бу мурожаати барча тарихчи олимларни, кенг жамоатчиликни ҳушёр торттирди.

2-бет

*«Мақсадимиз - Ўзбекистон фуқароси онгида ўз мамлакатининг тарихий ўтмиши, бугунги куни ва келажаги учун фахрланиш туйғусини тарбиялаш ва мустаҳкамлаш!» - янгиланган Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг асосий сиёсий шиори ҳисобланади.*



БИЗНИНГ ШАРҲ

## Трансчегаравий сувлардан фойдаланиш

МИНТАҚА ХАЛҚЛАРИ МАНФААТЛАРИ УСТУВОР БЎЛСИН

Бугунги кундаги экологик вазият инсоният олдида турган энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Унинг хавфи барча давлатлар қаторида бизнинг мамлакатимизни ҳам ташвишга солмоқда.

Хусусан, сўнгги йилларда айрим қўшни давлатларнинг трансчегаравий дарёлардан фойдаланишда фақат ички манфаатларни ҳисобга олишлари минтақамизда янги экологик муаммолар келиб чиқиш хавфини кучайтираётир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 2001 йил 28 декабрдаги Тошкент баёнотида минтақадаги сув объектлари,

7-бет

ALOQABANK – ЮКСАКЛИККА ИНТИЛГАНЛАР УЧУН

ТАРИХ – МИЛЛАТ КЎЗГУСИ



***Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир.***

**Ислом КАРИМОВ**

# Тошга битилган достон

## АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ 7 МИНГ ЙИЛЛИК ТАРИХИДАН СЎЗЛАЙДИ. БУ ЕРДА ТУРИЗМ ВА ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ЎзМТДП ВА ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК ҲАРАКАТИ БИРГАЛИКДА ИШ ОЛИБ БОРИШГА КЕЛИШИБОЛДИЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз раҳнамолигида мустақиллик шарофати билан Кармана (Ҳазора қишлоғи) даги зардуштийлар даврига оид Ориф Дегарон мақбараси, XI-XIII асрларга оид Работи Малик ва Сардоба, XVI асрга оид Қосим Шайх мажмуи, Нуротадаги Ҳазрати Нур, Чашма, Ғозғон ва Деҳибаланддаги XII-XVI асрларга оид ёдгорликлар, Хатирчидаги XVI асрга тааллуқли Шайх Гадойселкин ва бошқа ўнлаб тарихий обидалар қайтадан сайқал топди.

Сармишсой қоятош расмлари тарихини ўрганиш академик Яҳё Ғуломов бошчилигида ўтган асрнинг 50 йилларида ўрганила бошланган эди. Ўша илмий экспедиция Учтут қадимий шахтасини кашф этган ва бу шахтанинг ёши 5 минг йилга бориб тақалиши исбот қилиб берилган эди. Аждодларимиз 5 минг йил аввал ердан темир маъданини қазиб олишни, уни эритиб темир буюмлар ясашни билишган экан. Бу ҳали бани одамзот ибтидоий ҳолатда яшаётган бир даврда бизнинг аждодларимиз маданий ҳаёт кечирганлигини исботлайди. Қоятошларга ўйиб ишланган расмлар Нурота тоғ тизмаларидаги Сармишсой дарасидан ташқари қадимги одамлар томонидан Жиззах тоғларида, Учқудуқдаги Буқантау тоғ тизмаларига кирувчи Қулқудуқ-Бахилла дараларида ҳам учрайди. Бундай суратлар айрим манбаларда петроглиф деб юритилади.

Мана, 10 йилдирки, Сармишсой қоятош расмларини ўрганиш билан дунё қоятош расмларини ўрганиш ассоциацияси (ИКИМОС) шуғулланаяпти. Расмлар ёшини аниқлаш борасида Ўзбекистон-Польша халқаро экспедицияси иш олиб борди. Вилоятда икки марта – 2004 йил октябрь ва 2008 йил апрель ойларида ЮНЕСКО ҳузуридаги МИЦАИ халқаро Марказий Осиё тадқиқотлар институти, ЎзР ФА ҳузуридаги Археология институтининг «Сармишсой» қоятош расмларини ўрганиш гуруҳи ва Навоий тоғ-металлургия комбинати ҳамкорлигида «Сармишсой маданий меросини ўрганиш, асрашга оид янгича ёндашув» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди. Ҳар иккала анжуманда Италия, Япония, Польша, Венгрия, АҚШ, Буюк Британия, Франциядан келган 50 дан ортиқ таниқли олимлар қатнашди.

**Абдужаббор Кабиров, ЎзР ФА Тарих институти профессори:** - 1976 йилги «Сармишсой қоятошларидаги расмлар» рисоламда инсоният тарихий ривожланишида Ўрта Осиёда 2 та маскан - Амударё бўйлари ва Сармишсой қоятошларидаги қадимги одамлар қолдирган излар алоҳида ўрин тутади, деб ёзган эдим. Эндиликда бу хулосам ўз тасдиғини топмоқда.

**Доктор Кристина Тодоречи, ИКИМОСнинг ҳақиқий аъзоси:** - «Сармишсой» қоятошлари расмлари ёшини ўрганиш борасида ИКИМОСнинг яна бир ҳақиқий аъзоси, доктор Муҳиддин Хўжаназаров билан ҳамкорликда ишладик. Дунё қоятошлари суратларини ўрганиш, ёшини аниқлаш борасидаги тажрибаларга таяниб якуний хулосага келдик.

**Анна Паолини, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистон Республикасидаги вакили:** - Дунё қоятош расмларини аниқлаш Ўзбекистон-Польша халқаро экспертлари хулосасига қўшиламан: Сармишсой қоятоши расмлари 7 минг йиллик тарихга эга!

Бу сиз билан биз истиқомат қилаётган юртнинг, халқнинг ўтмиши неолит даврининг охири-милоддан аввалги тўртинчи ва уч минг йилликка бориб тақалишини англатади. Биз ана шундай қадимий халқмиз! Нега деганда буни исботловчи Сармишсой қоятошларидаги расмлар ва Сармишсойдаги қадимий одамлар яшаган манзилгоҳлар бор. Сармишсой қоятоши расмлари 10 мингдан ошади. Дара унчалик узоқ эмас, нари борса икки ярим, уч чақирим. Бироқ, қора ўнгирларга, дaранинг ўнг ва сўлидаги қоятошларга ўйилган расмлар худди замонавий рассомларнинг йирик полотноларини эслатади. Баъзи инсон чиқиши қийин бўлган ўнгирлар ҳам расмлар билан безанган. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, номаълум рассом ҳеч қачон ёлғиз ишламаган. Бу расмларда қадимги аждодларимизнинг дунёқарашлари, тасаввурлари муҳрланган. Шу жиҳатдан улар ғоятда қимматбаҳо тарихий манба ҳисобланади. Тош китобларда ҳар хил мазмунга эга манзаралар тасвирланган. Улар одам ва ҳайвонлар, қурол-аслаҳа ва геометрик шакллардан иборат. Қояларда буқа-тур, сигир, бизон, шер, арслон, қоплон, бўри, ит, илон, қулун, от, туя, кийик, буғу, эчки, архар ва бошқа ҳайвонлар, ўқ-ёй, найза, қилич ва хўжалик буюмлари акс эттирилган.

Кўпчилик манзаралар бир-бири билан узвий боғлиқ. Расмлар неолит даврининг охири (мил. авв. IV-III минг йиллик), жез (мил. авв. III-II минг йиллик), темир (мил. авв. I минг йиллик) ва ўрта асрларда (IV-XVIII асрлар) ишланган.

Сармишсойда тош даври макон ва манзилгоҳлари, қадимги мозорлар ва суғориш тармоқларининг қолдиқлари, кўҳна қишлоқ харобалари сақланган бўлиб, улар тош давридан бошлаб то ўрта асрларга қадар даврланади. Кўп минг йиллик тектоник ҳаракатлар натижасида кварц ва гранит қатламлари сланец тошларни сиқиб қўйган, натижада лента тузилишидаги тоғ бурмаланишлари пайдо бўлган. Бу расмлар Навоий шаҳридан 40-45 километр шимолий-шарқда сойнинг ўрта қисмида жойлашган. Расмларнинг баъзилари йиллар ва табиий жараёнлар силсиласида, баъзилари айрим одамларнинг беэътиборлиги оқибатида вайрон этилган. Лекин даралaрга чиқиш қийин бўлган айрим қоялар саҳнидаги



расмлар асл ҳолича сақланиб қолган. Уларда қадимги аждодларимизнинг кундалик маиший ҳаётидан тортиб, келажак орзуларигача акс этган, дейиш мумкин. Расмни кўриб, гўё тошга битилган достон, дейсиз. Расмлар тўплами бошланадиган улкан қоянинг ўрта қисмида бир тасвир бор. Унда қадим одами ғалати тарзда акс эттирилган. У бошқалардан фарқли ўлароқ баланд бўйли, бошида каттакон саватга ўхшаш қалпоғи бор. Сал нарида «ҳаво кемаси» учишга шайдек. Бу ўзга сайёраликларнинг тасвирига ўхшайди. Бундай расмлар илмий манбаларда дунё қоятош расмлари ичида фақат тўрт жойда учраши қайд этилган.

Сармишсой қоятош расмлари қадимги замон кишилари ҳаётидан олинган тарқоқ ва оддий лавҳалар бўлиб қолмасдан, балки уларда ўша давр одамларининг эътиқоди, яшаш тарзи акс эттирилган. Қоятош расмлари чорвачилик, деҳқончилик, диний маросимлар, этнография, урф-одатлар, ижтимоий ҳаёт тарихига оид бўлиб, бир тасвирда жамоа бўлиб ов қилиш, яна бир тасвирда ўлган одамни кўмиш маросими, яна бирида тош ваннада ювиниш ҳолати акс эттирилган. Маълумки, қадимда Ўрта Осиё халқларининг кўпчилигида жониворларга, тошларга сиғиниш одати бўлган. Бунга шу ҳудуддаги Сангижумон, Тошбулоқ, Тошқиз, Қирққозон каби тошларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Сармишсойдаги қоя тошларига қадим аждодларимиз сиғинган, диний ирим-сиримларни бажо келтирган. Қояга расм ўйиш ҳам ана шундай ирим-сиримлардан бири бўлиши мумкин. Бу расмлар бахт келтирувчи, чорвани кўпайтирувчи рамзлар бўлганлиги аниқ.

Сармишсойда қоядаги тош расмлардан ташқари бошқа археологик ёдгорликлар ҳам учрайди. Бу ерда қадимги манзилгоҳ излари, одамлар яшаган ғорлар, ҳар хил даврга оид сопол буюмлар қолдиқлари, шунингдек, уларнинг тош қуроллари, тепа ва қўрғончалар, қурум қолдиқлари топилган. Қолаверса ўрта асрларга тааллуқли 13 та сув тегирмонининг излари топилиши сойнинг анча кенг бўлиб оққанлиги, ирригация тармоғи қуришни пухта эгаллаган тўқ ва бадавлат аҳоли яшаганлигидан дарак беради.

Сармишсойнинг табиати жуда гўзал ва мафтункор. Ўсимлик дунёсида ҳали фанда қайд этилмаган наботот турлари мавжуд экан. У ердан авваллари сониясига 5-6 куб.метр сув оқиб ўтган. Бу сув ана шу расмлар, қоятошлар оралаб 5-6 чақирим пастга оқиб тушгач, сой икки томони тоғлар билан қуршалган сайхонликка чиқади.

2004 йил «Сармишсой»да табиий археологик мажмуа музей-қўриқхонаси ташкил этилди. Музей-қўриқхонага табиатни муҳофаза қилиш жонкуяри Бахтиёр Темиров раҳбар этиб тайинланди. Қўриқхона ходимлари музей ҳудуди, ландшафти ва тарихий ёдгорликлари рўйхатини тузиб чиқди, унинг харитасини белгиладилар. Тегишли ташкилотлар билан шартномалар имзоладилар.

Сармишсойни туризм ва экотуризм масканига айлантириш бўйича Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати биргаликда фаолият кўрсатишга қарор қилишди. Куни кеча Навоий шаҳрида бўлиб ўтган давра суҳбатида Сармишсойни ҳам тарихий обида, ҳам табиат мўъжизаси сифатида асраб-авайлаш, уни халқимизнинг бой ва бетакрор тарихини бутун дунёга намойиш қилиш объектига айлантириш юзасидан ЎзМТДП ва Экоҳаракат вакиллари бир қатор амалий таклифларни илгари суришди.

**Йўлдошмурод Жўлиев, ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси:** - Мустабид тузум даврида шаҳардаги саноат корхоналари ва муассасалар томонидан ана шундай сўлим жойларнинг ёппасига эгалланиши ва бетартиб дам олиш жойига айлантириш хунук оқибатларга олиб келди. Жумладан, Сармишсойга кириш жойида қадимий одамлар манзилгоҳи - улкан ғор портлатилиб, синган қоялар шу ерда бунёд этилган дам олиш оромгоҳи пойдеворига ишлатилиб юборилди.

Фақат истиқлол шарофати билан Сармишсойни ободонлаштириш, бебаҳо тарихий қоя тош расмларини асраб-авайлаш изчил йўлга қўйилди. Сармишсойни халқаро туризм тизимига киритиш мақсадида вилоят ҳокими 2009 йил 11 августда қарор қабул қилди. Қарорда Сармишсой музей-қўриқхонасини Навоий шаҳри билан боғловчи йўлни замонавий автотранспорт талабларига жавоб берадиган қилиб қуриш, халқаро туризм талабларига мос сервис хизматини йўлга қўйиш ва бу борада вилоят маданият ва спорт ишлари ва туризм бошқармаси, табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, қадимий ёдгорликларни асраш ташкилотлари, вилоят тарихий ўлкашунослик музейи олдида турган вазифалар белгилаб берилди. Бошланган ижобий ишларни янада ривожлантириш зарур. Бу учун партиямиздан сайланган маҳаллий кенгашлар депутатлари масъулиятни ўз зиммаларига олиб юқоридаги қарор ижросини таъминлашга бош-қош бўлишлари керак. Бу ерни хорижий сайёҳлар мунтазам келадиган масканга айлантириш учун давлат ташкилотларига партиямиз ҳам яқиндан кўмаклашишга қарор қилди. Шу боис ЎзМТДП халқимизнинг 5-7 минг йиллик тарихини қамраб олган Сармишсойни ғурур ва ифтихор билан чет эллардан келадиган сайёҳларга намойиш қилиш учун бутун куч ва имкониятларини ишга солади. Биз Сармишсойни нафақат туризм шу билан бирга экотуризм масканига айлантиришда Экологик ҳаракат билан ҳамкорликда иш олиб борамиз. Бу бизнинг партиямиз дастурий мақсадларига мос ва ҳамоҳангдир.

Сармишсой мустақиллик туфайли ўз бағрини очмоқда. У ердаги қадим қоятош расмлари, археологик мажмуадаги ибтидоий одамзот излари сизу бизни, бутун дунё сайёҳларини зиёрат қилишга чорламоқда.

**Парда ЖУМАЕВ,**
**«Milliy tiklanish» мухбири**

# СИЁСАТ

ФРАКЦИЯ ҲАЁТИ

## Қонун лойиҳасида миллий қадриятлар акси



(Давоми. Боши 1-бетда)

Таъкидланишича, ўтган йил мобайнида давлат бюджетидан ЎзМТДПга ажратилган маблағ мақсадли харажатларга йўналтирилган ва бу жорий йил бошида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг текшируви натижаларида акс этган. Ушбу масала юзасидан депутатлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Бугунги кунда юртимизда бунёдкорлик ишлари қизғин кечмоқда. Бундай ўзгаришлар нафақат дунёнинг гўзал шаҳарлари билан тенглаша оладиган қиёфага кираётган пойтахтимиз балки, вилоятлар кентларида ҳам жадал тус олган. Жумладан, қадимий ва навқирон “Яшил шаҳар” номи билан машҳур Шаҳрисабз шаҳри ҳам ана шу сафда. Мазкур ҳудудда бобомиз, улуғ саркарда Амир Темур даври тарихи билан боғлиқ Оқсарой маданий ёдгорлиги мавжуд. Ушбу обидани томоша қилиш учун ҳар йили турли давлатлардан минглаб сайёҳлар ташриф буюришади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 7 январдаги «Шаҳрисабз шаҳрининг бош режасини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори лойиҳаси асосида шаҳар чегарасининг янги лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тасдиқлаш учун Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган эди. Ушбу лойиҳага кўра, шаҳар чегарасининг лойиҳаси шаҳарнинг ҳудудий ўсиши ва ривожланишини шарқий йўналиш бўйича белгиланган ҳолда «Наматон», «Кунчиқар», «Ўзбекистон», «Шаматон» қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва шаҳарнинг ички заҳиралари ҳисобига амалга оширилиши режалаштирилган. Таъкидлаш жоизки, шаҳар маъмурий тузилмасининг кенгайиши ҳамда қиёфасининг янгиланиши нафақат вилоят, балки давлатимизнинг ижобий имижи шаклланишида муҳим аҳамият касб этиши билан бирга хорижий сайёҳларни ҳам кўпроқ ўзига жалб этади. Ушбу қарор лойиҳасининг қабул қилиниши партиямиз сайловолди Платформасида кўзда тутилган, халқимиз тарихий меросини тарғиб қилишнинг самарали тур ҳисобланган туризмни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшади. Депутатлар ушбу қарор лойиҳасини ўрганиб, муҳокамадан сўнг маъқулладилар.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб юртимизда давлатимиз раҳбари бошчилигида ёш авлодни тарбиялаш борасида хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий “Баркамол авлод йили”да ҳам фарзандларимизнинг маънан етук, руҳан ва жисмонан соғлом шаклланиб, комил шахс сифатида вояга етишлари йўлида олиб бориладиган саъй-ҳаракатлар кўлами янада кенгайди. Бу борада норматив ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳам айни куннинг долзарб масалаларидандир. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси йиғилишига биринчи ўқишда киритилаётган «Вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ана шу мақсадларга хизмат қилади. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларини профилактика қилиш тизимидаги идоралар ва муассасаларнинг масъулиятини ошириш, болаларнинг жамиятда қабул қилинган ҳуқуқий ва одоб-ахлоқ қоидаларига зид бўлган хулқ-атворини эрта аниқлаш ва бартараф этиш бўйича тадбирлар самарадорлигини кескин ошириш имконини беради. Фракция аъзолари қонун лойиҳаси бўйича ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирди ҳамда ушбу қонун лойиҳаси ЎзМТДП Дастур ва сайловолди Платформасида кўтарилган масалаларга, шунингдек, миллий қадриятларимизга мос эканлигини бир овоздан эътироф этдилар.

**Абдуғофур МАМАТОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

— Халқ орасида “бир болага етти маҳалла ота-она” деган нақл бор. Эътибор қаратадиган бўлсак, ушбу мақолнинг замирида чин маънодаги инсонпарварлик мужассам. Демак, халқимизга хос қадриятларга кўра бир боланинг ўсиб униши, унинг моддий аҳволидан тортиб тарбиясигача атрофдагилар беэътибор бўлишмаган.

Ҳозирги кунда юртимизда ёшлар тарбиясига устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Уларнинг баркамол бўлиб униб ўсиши учун барча шароитлар ҳозир қилиниб, унинг ҳуқуқий базаси яратилмоқда. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган болаларни давлат ўз қарамоғига олиб, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатмоқда. Бунинг натижасида республикамизда қаровсиз қолган болалар ва вояга етмаганлар жинояти бўйича МДҲ давлатларига қараганда аҳвол анча яхши. Шундай бўлса-да бу борадаги қилинаётган ишларни мустаҳкамлаш эҳтиёжи мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тақдим этилаётган «Вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси аминманки, бу борадаги зарур ҳуқуқий норматив ҳужжат ҳисобланади.

**Аброр УМАРҚУЛОВ,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

СЕМИНАР

## ОАВ – жамият кўзгуси

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Қорақалпоғистон Республикаси Минтақавий ахборот-таҳлил маркази томонидан «Фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситалари ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашнинг долзарб вазифалари» мавзусида ташкил этилган семинарда Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди. Айниқса, Юртбошимиз маърузасида мамлакатимизни модернизациялаш, давлат бошқарувини янгилаш, амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва фаолиятини янада яхшилаш бўйича аниқ йўл-йўриқлар берилган эди. Семинарда айнан шу масалалар, жумладан, оммавий ахборот воситаларининг мамлакатимизда юз бераётган жараёнларда фаол иштирок этиши, нодавлат матбуот нашрлари, радио, телевидение фаолиятини жонлантириш, интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, уларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш каби муҳим масалалар иштирокчиларнинг диққат-марказида бўлди. Сўзга чиққанлар соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш зарурлиги борасида асосли фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Семинарда оммавий ахборот воситалари, қатор жамоат ташкилотлари ва сиёсий партиялар вакиллари ҳамда бўлажак журналист-талабалар иштирок этдилар.

**Илья ДИЛЬМАНОВ,**
**«Milliy tiklanish» мухбири**

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

АНЖУМАН



## Баркамол авлод тарбияси

### УНДА МИЛЛИЙ СПОРТ ЎЙИНЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ КАТТА

**Аброр УМАРҚУЛОВ, "Milliy tiklanish"**

Республика Олимпия шон-шуҳрати музейида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ва партиянинг қуйи палатадаги фракцияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, "Полвонлар миллий энциклопедияси" жамияти, Кураш халқаро ассоциацияси, Шарқ яккакурашлари ва жанг санъати маркази ҳамкорлигида "Баркамол авлод тарбиясида миллий спорт ўйинларининг ўрни ва аҳамияти" мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда мутасадди вазирлик ва идоралар вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари, спортчилар, мураббийлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Тадбирда эътироф этилганидек, Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан бугун юртимизда фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитлар яратилган. Айниқса, 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурида жисмоний тарбия ва спортни, айниқса, болалар спортини янада ривожлантириш, ҳар қайси шаҳар ва қишлоқда давр талабига жавоб берадиган спорт мажмуалари ва стадионлар бунёд этиш, уларни замонавий спорт анжомлари, юқори малакали спорт устозлари ва мураббийлар билан таъминлаш масалалари кенг ўрин олган.

Яқинда Президентимиз Ислом Каримов раислигида ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида давлатимиз раҳбари спорт оилада, жамиятда соғлом муҳит қарор топиши учун ўзига хос замин бўлиб хизмат қилишини таъкидлаб, бу борада амалга оширилаётган барча ишларда фарзандларимизни спортга кенг жалб этиш, уларни соғлом ўстириш мақсад-муддаоси мужассамлигини айтиб ўтдилар.

Маълумки, азал-азалдан жисмоний тарбия ва спорт соҳаси инсоннинг нафақат жисмоний, балки маънавий камолотга эришишида улкан омил, дея баҳоланади. Дарҳақиқат, спорт иродани тоблайди, одамни аниқ мақсад сари интилиш, қийинчиликларни бардош ва чидам билан енгиб ўтишга ўргатади. Инсон қалбида ғалабага ишонч, ғурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялайди. Бинобарин, миллий спорт ўйинларимиз баркамол авлод тарбиясида мустақил дунёқараш ва эркин тафаккурни шакллантириш, ўз билими ва кучига ишониб яшайдиган инсонни тарбиялаш, ёшларимиз онгида муқаддас қадриятларимизни асраб-авайлаш, ватанпарварлик туйғусини камол топтиришга хизмат қилади.

- Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг электоратини фан, таълим, маданият, маърифат ва спорт соҳалари вакиллари ташкил этади ва бугунги илмий-амалий анжуманнинг спорт федерациялари ва марказлари ҳамкорлигида ташкил этилганлиги ҳам бежиз эмас,- деди йиғилишни очаркан **Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси А.Турсунов.** – Негаки, комил инсон, ватанпарвар шахс тарбиясида спортнинг ўрни беқиёс. Айниқса, миллий спорт ўйинларини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш улар қалбида буюк аждодларимизга нисбатан юксак эҳтиром туйғусини уйғотишга ҳар томонлама кўмаклашади.

Дарҳақиқат, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида жисмонан етук, маънан баркамол авлодни шакллантириш мақсад-муддаоси мужассам. Бугун халқимизнинг фахри ва ғурури бўлиб, жаҳон кезаётган, кун сайин довруғ ва шуҳрат қозонаётган, миллионлаб мухлисларни ўзига маҳлиё этаётган миллий спорт ўйинлари ҳам жуда чуқур илдиз отган ва тарихи олис мозийга бориб тақалади. Археологик топилмалар, илмий кузатишлар натижасида аниқланган ноёб ашёвий далиллар ўзбек миллий спорт ўйинларининг ёши 3, 5-4 минг йилдан кам эмаслигини исботламоқда.

Миллий қадриятларимизнинг узвий қисми бўлган миллий спорт ўйинларининг узоқ асрлар мобайнида мардлик ва инсонийлик фалсафасини тарғиб этиб келгани ҳам бор гап.

- Шуни фахр билан айтиш мумкинки, - деди **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси раҳбари У.Муҳаммадиев.** - Миллий қадриятларимиз бўлган кураш бугун умуминсоний қадриятга айланиб улгурди. Бундан 10-15 йил муқаддам узоқ қишлоқларда фақат тўй-ҳашамлардагина ўтказилган кураш мусобақалари бугун Президентимиз ташаббуси билан жаҳон майдонларини забт этди. Дунёнинг турли бурчакларида ўтказилаётган қатор халқаро турнирлар, қитъа ва жаҳон чемпионатлари, нафақат мамлакатимиз, балки дунё ёшларининг ўзбек курашига қизиқишлари тобора ортиб бораётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Галдаги асосий мақсад инсонийлик фалсафаси билан чуқур суғорилган, тарихи, илдизи неча-неча минг йилларга бориб тақаладиган ўзбек курашини Олимпиада ўйинлари қаторига олиб киришдан иборат. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси бу борада ўзини масъул, деб билади. Зеро, миллий қадриятлар, урф-одатлар ва анъаналарни асраб-авайлаш ва уларни замон руҳига мос ҳолда ривожлантириш партиямизнинг асосий вазифаларидан биридир.

Дарҳақиқат, бугун миллий спорт ўйинлари халқимизнинг тетик руҳи, ғурури, Ўзбекистонда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш борасида олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг ёрқин нишонаси бўлиб дунё кезмоқда. Хусусан, миллий қадриятимиз ҳисобланган кураш, ўзбек жанг санъати, турон каби миллий спорт ўйинлари мустақиллик шарофати ва Юртбошимиз Ислом Каримовнинг алоҳида эътибори ва бевосита қўллаб-қувватлаши билан бугун халқаро майдонда тан олинган оммавий спорт турига айланди.

Шундан сўнг **ЎзМТДП фракцияси аъзоси Эркин ЮСУПОВ сўзга чиқиб, қуйидагиларни таъкидлади:**

— Маълумки, инсоннинг комилликка эришишида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни беқиёс. Ўзбек миллий спорт ўйинларида халқимизнинг руҳияти, миллий характерига хос бўлган фазилатлар — мардлик, бағрикенглик, рақибига нисбатан олижаноблик, ҳалоллик, инсонпарварлик фалсафаси мужассам. Айни шу спорт турини нафақат юртимизда, балки бутун дунёда ривожлантириш партиямизнинг ғоя ва Дастурига муштарак. Биринчидан, юқорида айтганимиздек, ёшларнинг саломатлиги мустаҳкамланишига, улар қалбида ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик тушунчалари шаклланишига эришамиз. Сабаби ушбу спорт ўйинлари билан шуғулланишни бошлаган спортчи Ватани ва Президенти номига, шунингдек, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби боболарига муносиб авлод бўлишга қасамёд қабул қилади. Иккинчидан, шу орқали миллий қадриятларимиз тикланиб, тилимиз, маданиятимиз ва тарихимиз бутун дунё саҳнасига миллий курашимиз орқали кириб бормоқда. Эътибор қаратадиган бўлсангиз кураш яктаклари ҳам байроғимиз рангини акс эттиради. Умуман олганда миллий спорт ўйинларимизнинг ёшлар орасига кенг кириб бориши улар қалбида эртанги кунга ишонч, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларининг мустаҳкамланишига олиб келади,- деди пировардида нотиқ.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий спорт турларининг ривожланиши борасида кенг кўламли ишлар қилинмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан эълон қилинган "Баркамол авлод йили"да ҳам ёшларимизни спортга жалб қилиш орқали соғлом авлодни тарбиялаш устувор вазифа сифатида белгиланди.

**Зулхумор РЎЗИЕВА, Халқаро кураш ассоциацияси бош котиби:**

— Дунё аренасига ўз миллий спортини олиб чиқа олган мамлакатлар бармоқ билан санарли. Ушбу давлатлар орасида Ўзбекистоннинг борлиги албатта қувонарли ҳол. Зеро бундай натижага эришишимизда Президентимизнинг хизматлари беқиёс. Тан олиб айтиш керак, бугун ютуқлар билан бирга муаммолар ҳам йўқ эмас. Ушбу спорт турининг ватани бўлганимиз учун миллий кураш сир-асрорларини ўрганишга турли давлатлардан юртимизга спортчилар, мураббийлар келишмоқда. Улар билан ишлашда мутахассисларга эҳтиёж сезилиб қолмоқда.

**Фикрет КЕРИМОВ, Тошкент Жисмоний тарбия институти профессори:**

— 16 ёшгача бўлган болалар спорт майдонларидан тўлиқ, бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга. Менинг назаримда, уларнинг мазкур имкониятлари етарлича таъминланмаяпти. Шунингдек, болаларни спортга, айнан миллий курашга бўлган қизиқишини оширишда ўқув-қўлланмалар ҳамда видео роликлар яратиш зарур. Бу борада ЎзМТДП янада фаол иш олиб бориши керак.

---

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ БИР ҲАФТА ИЧИДА

## Дастурий вазифаларнинг амалий ифодаси

**Дилноза ҲАЙИТОВА, "Milliy tiklanish" мухбири**

**ТОШКЕНТ.** — Глобаллашув жараёнлари даврида инсон онгига салбий таъсир кўрсатадиган, жамиятимиз тараққиётига тўсиқ бўладиган турли хил ғоявий таҳдидларга қарши ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, улар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш бош вазифамиз,-дейди ЎзМТДП Мирзо Улуғбек туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Феруза Хаитова. — Шундай экан, аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида бу борада олиб бориладиган тушунтириш-тарғибот ишлари самарадорлигини оширишимиз керак.

Партия туман кенгаши томонидан туман Маънавият-маърифат кенгаши ҳамда маънавият тарғибот маркази, ички ишлар бўлимлари ҳамкорлигида 222-умумтаълим мактабида ўтказилган "Ёшлар ҳуқуқбузарлик, миссионерлик ва гиёҳвандликка қарши" мавзусидаги тадбирни партиямизнинг ана шу мақсад йўлидаги амалий ишларидан бири дейиш мумкин. Тадбирда жамият ҳаётига раҳна солаётган гиёҳвандлик, миссионерлик каби иллатларнинг ёшлар онги ва ҳаётига таҳдидининг олдини олиш, бунинг учун ёш авлодда мустақил фикр, кенг дунёқарашни шакллантириш масалалари ҳақида сўз борди. Бир қатор мутасадди ташкилотлар вакиллари бу борада туман миқёсида олиб борилиши лозим бўлган чора-тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишлари хусусида таклиф-мулоҳазалар билдирдилар.

Шу куни мактабда тузилган бошланғич партия ташкилоти аъзоларига партия аъзолик гувоҳномалари топширилди.

* * *

**СУРХОНДАРЁ.** ЎзМТДП Шўрчи туман кенгаши томонидан туман ҳокимлиги ва "Камолот" ЁИҲ ҳамкорлигида "Халқ ишончи-энг олий ишонч" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда халқ депутатлари туман кенгаши депутатлари, партия фаоллари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари қатнашди. Тадбир иштирокчилари Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида сўзлаган "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир" мавзусидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар хусусида фикр алмашдилар. Жумладан, депутатлар томонидан гуруҳ ишини жонлантириш, ҳудуддаги муаммоларни чуқур ўрганиш ва уларни бартараф этишга доир дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқиш, партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш зарурлиги атрофлича муҳокама этилди.

* * *

"Оила мустаҳкамлиги ва ёш авлод тарбиясида маҳалланинг ўрни" мавзусидаги давра суҳбати ЎзМТДП Ангор туман кенгаши томонидан туман Қурилиш ва коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежида ўтказилди. Унда партия туман кенгаши фаоллари, "Аёллар қаноти", "Ёшлар қаноти" раҳбарлари, тумандаги МФЙ оқсоқоллари ҳамда коллеж жамоаси иштирок этди. Тадбирни партия туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Г.Аҳмедова очди ва олиб борди.

— Президентимиз парламент палаталарининг қўшма йиғилишида сўзлаган маърузасида маҳалла институтини такомиллаштириш масаласига катта эътибор қаратди,- деди тадбирда сўзга чиққан туман кенгаши "Аёллар қаноти" раҳбари Д.Шомирзаева. — Айтиш мумкинки, жамият ижтимоий, маънавий ҳаётида маҳалланинг ўрни беқиёс. Боиси, катталарни ҳурмат қилиш, бир-бирининг ҳолидан хабар олиш, ўзаро ёрдам ва меҳр-оқибат кўрсатиш, яхши-ёмон кунларда елкадош бўлиш каби гўзал фазилатлар ўзбек маҳалласига хос бўлган анъаналар саналади. Ёш авлод тарбиясида бунинг ўрни жуда муҳим ва уларни ёшлар онгига сингдириб бориш ана шу қадриятларнинг умрбоқийлигини таъминлайди. Партиямиз ҳам ўз дастурий ғоя ва мақсадларида маҳаллага жамиятда маънавий қадриятлар доимий таъминланишининг мустаҳкам асоси сифатида қарайди.

Тадбир давомида ёшлар маънавиятини юксалтириш борасида маҳалланинг ролини кучайтириш масалалари ҳақида сўз борди.

* * *

**БУХОРО.** ЎзМТДП Олот туман кенгаши томонидан "Баркамол авлод йили" муносабати билан туман Политех сервис касб-ҳунар коллежида "Давр ёшлари ва Ватан туйғуси" мавзусида давра суҳбати ташкил қилинди. Партия туман кенгаши фаоллари, туман ФҲДЁ, ИИБ, ҚФЙ ва бошқа бир қатор мутасадди ташкилотлар вакиллари ҳамда коллеж ўқитувчи ва талабалари иштирок этган тадбирда "Маънавиятли юрт, баркамол авлод тарбияси ва ҳуқуқий маданиятнинг юксаклиги", "Оила қуриш, никоҳ шартномаси ва ёшлар муносабати", "Ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш", "Бола ҳуқуқлари ва бурчлари" мавзуларида маърузалар тингланди ҳамда ЎзМТДПнинг ёшлар сиёсати борасида батафсил маълумотлар берилди.

— Халқимизнинг бой тарихий, маданий ва маънавий меросига таяниб, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш партиямиз олдида турган асосий вазифалардан бири. Бунда эса тушунтириш-тарғибот ишлари самарасини ошириш зарурати юзага келади. Ҳар соҳада фаол, ташаббускор ва интилувчан ёшларимиз онгу шуурига сингдирилган ватанпарварлик, халқпарварлик тушунчалари улардаги яратувчанлик иштиёқини янада кучайтиради ва эзгу ишларга сафарбар этади,- дейди тадбир аҳамияти ҳақида фикр юритган ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Г.Рўзиқулова.

Тадбир давомида мавзу юзасидан ўзаро фикр алмашилиб, иштирокчиларни қизиқтирган саволларга муфассал жавоблар берилди.

* * *

"Ўқув кўргазма қуроллари" кўрик-танлови Вобкент туман халқ таълими бўлими ва ЎзМТДП Вобкент туман кенгаши ҳамкорлигида ўтказилди. Ўқитувчилар ижодкорлигини аниқлаш, илғор педагогик технологияларни дарсларда қўллаш ва уларда турли кўргазмалардан фойдаланишни такомиллаштириш мақсадида ташкил этилган тадбирда тумандаги 42 та умумтаълим мактабларининг 515 нафар ўқитувчилари томонидан тайёрланган ўқув кўргазма қуроллари намойиш этилди. Айтиш мумкинки, мазкур кўргазмалар бошланғич синф ўқувчиларининг иқтидор ва маҳоратларини ошириш, шунингдек юқори синфларда она тили ва адабиёти, математика ва хорижий тилларни пухта ва чуқур ўргатиш, ўқувчиларни ижодий изланишга йўналтириш, қизиқиш уйғотишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

— Мазкур тадбирни "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ҳамда партия дастурий ғоя ва мақсадларининг амалий ифодаси бўлди,деб баҳолаш мумкин,- дейди тадбир тўғрисида фикр юритган ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Т.Ёқубов.

* * *

**ЖИЗЗАХ.** "Жамият ривожида хотин-қизларнинг ўрни ва роли" мавзусидаги давра суҳбати ЎзМТДП Мирзачўл туман кенгаши томонидан олима ва депутат аёллар иштирокида ташкил этилди. Унда партия туман кенгаши фаоллари, туман хотин-қизлар қўмитаси, ҚФЙ ҳамда тумандаги умумтаълим мактабларининг ўқитувчи ва ўқувчилари қатнашдилар.

— Хотин-қизларда миллий ғурур, ватанга садоқат ва қадриятларга ҳурмат туйғусини юксалтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ақл-заковатини улуғвор ишларга йўналтириш ЎзМТДП дастурий вазифаларидан бири саналади. Олдимиздаги вазифа эса бу ишларни сифат жиҳатдан яхшилаш, сафимизни хотин-қизлар билан кенгайтиришдир,- деди ўз сўзида партия туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Б.Камолов.

Тадбир давомида партия томонидан бу борада қилинаётган ишлар, жумладан, хотин-қизлар ўртасида ўтказилаётган турли кўрик-танловлар ва ўқув-семинарлар хусусида сўз борди.

* * *

Худди шу йўналишдаги яна бир тадбир ЎзМТДП Арнасой туман кенгаши томонидан ўтказилди. Партия аъзолари, туман хотин-қизлар қўмитаси ва тумандаги бир қатор касб-ҳунар коллежлари ўқитувчи ва талаба-ёшлари иштирокида бўлиб ўтган тадбирда ҳам ЎзМТДПнинг хотин-қизлар сиёсати борасидаги асосий мақсад ва вазифалари, бу йўналишда олиб борилаётган амалий ишлар ҳақида фикр юритилди.

Унда сўзга чиққан партия туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.Нарзуллаев,туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Қ.Оқилова хотин-қизларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онги, маданиятини ошириш, сиёсий жараёнларда уларнинг иштироки тўғрисида гапириб, туман миқёсида бу борада олиб борилаётган саъй-ҳаракатларга тўхталдилар.

Тадбир қизиқарли савол-жавоблар, баҳс-мунозаралар асосида кечди.

---

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

## Отам, онам ва мен

### СПОРТЧИЛАР ОИЛАСИ

Жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оилавий спорт жамоаларининг мунтазам равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун қулай шароит яратиш мақсадида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали, ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши, Яккасарой тумани ҳокимлиги, Халқ таълими бўлими, «Маҳалла» жамғармаси, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ва «Спорт» канали ҳамкорлигида «Баркамол авлод йили»га бағишлаб «Отам, онам ва мен спортчилар оиласи» мавзусида оилавий спорт мусобақаси ўтказилди.

Мусобақа шартларига кўра, жамоалар таркиби ота-оналар ва фарзандлардан иборат бўлиб, болалар 14 ёшдан катта бўлмаслиги лозим эди. Тадбирнинг юқори савияда ўтишини таъминлаш мақсадида иштирокчи жамоалар 2 гуруҳга бўлиндилар. Биринчи гуруҳда Мирobод, Сергели, Ҳамза, Чилонзор туманларидан ташриф буюрган жамоалар иштирок этишган бўлса, иккинчи гуруҳни Учтепа, Шайхонтоҳур, Яккасарой туманларидан келган жамоалар ташкил этди. Улар эстафета ўйинлари, жойидан туриб сакраш ва арқон тортиш бўйича куч синашдилар. Шу билан бирга ёшлар ўртасида стол тенниси, шахмат, шашка ва 26-умумтаълим мактаби ўқувчилари билан биргаликда баскетбол ўйинлари ҳам ташкил этилди. тадбир доирасида 91-, 144-умумтаълим мактабларида таълим олаётган кам таъминланган оилалар фарзандларига спорт кийимлари, 160-48-, 17-, 2-умумтаълим мактаб ўқувчиларига спорт жиҳозлари тақдим этилди.

- Муҳтарам Юртбошимиз мамлакатни ҳеч бир нарса спорт каби тез дунёга танита олмайди, деб бежизга айтмаган. Юртимизда бу борада қилинаётган ишлар самараси ўлароқ бизнинг мажмуамизда ҳам спортнинг барча турлари бўйича ўқув машғулотлари йўлга қўйилган ва ўқувчиларнинг шуғулланишлари учун шароитлар яратилган,- дейди биз билан суҳбатда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали бош мутахассиси Маҳаммадмурод Тоштемиров.

Мусобақа сўнггида иштирокчилар ва ғолиблар ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари, фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

**Махбира АБДАЛОВА, «Milliy tiklanish» мухбири**

# ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ЖАРАЁН

## Миллий ғурур

### МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАМАКДИР

***«Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифатни янада чуқурлаштиришни миллий тикланиш жараёнида бутун жамият ва давлатнинг муҳим вазифаси деб ҳисоблайди. Партия ушбу фундаментал вазифанинг ҳал этилиши жамиятда ва инсон салоҳиятининг ривожланишида туб ўзгаришларни амалга ошириш имконини беришига ишонч билдиради. Шу муносабат билан миллий ғурурни мустаҳкамлаш партиянинг муҳим вазифасига айланмоғи керак. Бу – аҳолининг катта қисми, шу жумладан, ёшлар қалбидан жой олган ва ундан ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуриш ишида фойдаланиш лозим бўлган буюк туйғудир»***

**ЎзМТДП дастуридан**

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек: «Бугун озодлигимиз, эркинлигимиз ва эзгу мақсадларимизга эришиш, жаҳон миқёсида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш, Ватанимизнинг истиқлолини ҳимоялаш авваламбор ўзимизга, ўзимизнинг имконият ва салоҳиятимизга, азму шижоатимизга боғлиқ эканини шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон чуқур англаб, тушуниб олиши даркор.

Бу борада сиёсий, ҳарбий, иқтисодий омиллар қаторида яна бир ўта муҳим мезон борки, унинг номи – миллий ғурур, миллий ифтихор туйғусидир.

Бу шундай буюк қудратки, тарихда бу кучга таяниб, суяниб, кўплаб халқлар энг мураккаб синовлардан, давр суронларидан омон чиққан ва бошқаларнинг ҳавасини уйғотадиган эркин ва фаровон ҳаёт қуришга эришган».

Инсонпарвар, демократик жамият шаклланаётган ҳозирги шароитда, миллат, халқ, давлат манфаатини ҳар томонлама ҳимоя қила оладиган, миллий ғурури, миллий орномуси баланд йигит-қизлар авлодини вужудга келтириш умумдавлат аҳамиятига молик вазифадир. Ана шундай улкан вазифани уддаламоқ учун, ушбу жараён ташкилотчиларининг ўзи «миллий ғурур» деб номланувчи ўта олижаноб инсоний фазилатнинг ички структураси ва уни шакллантириш жараёнининг самарали йўллари, услубларини билмоғи, миллий ғурурни шакллантириш даражасини улуғловчи мезонлар ҳақида аниқ ва тиниқ тасаввурга эга бўлмоғи даркор.

Миллий ғурур деганда, ўз миллатининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини чуқур англаб етиш, она тили, дини, тарихи, маданияти, адабиёти ва санъати, урф-одатлари, расм-русумлари, байраму сайилларидан фахрланиш тушунилади. Миллий ғурур инсон онги ва фаолиятининг бири иккинчиси билан боғлиқлигини, ўша ўзаро таъсир, ўзаро алоқадорлик механизмининг характерини ифодалайди. Бошқача айтганимизда миллий ғурур нафақат инсон онгини ривожланиш даражасини, балки унинг амалий фаолиятининг ҳам кўрсаткичидир.

*Миллий ғурур деганда, ўз миллатининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини чуқур англаб етиш, она тили, дини, тарихи, маданияти, адабиёти ва санъати, урф-одатлари, расм-русумлари, байраму сайилларидан фахрланиш тушунилади.*

Миллий ғурурнинг энг муҳим кўрсаткичларидан бири миллий ўзлигини англашдир. Миллий ўзликни англамоқ учун аввало, қадимдан ўз давлатимизга эга бўлган халқ эканлигимизни, ўзимизга хос миллий давлатчилик анъаналаримиз борлигини билишимиз, буюк аждодларимиз тарихини ўрганишимиз ва уларнинг бебаҳо меросидан баҳраманд бўлишимиз лозим. Миллий ўзликни англаш деганда, ҳар бир киши ўзининг қандай миллатга мансублигини, ўзи мансуб бўлган миллатнинг жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган ҳиссасини мукаммал билиши, миллат эҳтиёжлари ва манфаатларини тасаввур этиши ва ана шу йўлда кўрсатган фидойилиги тушунилади. Ўз миллатига дахлдор барча ҳақиқатлардан хабардор бўлиш, чунончи унинг умумбашар тараққиётига қўшган ҳиссасини англаши ҳар бир кишида шу миллатга мансублиги билан фахрланиш туйғусини юксалтиради. Бироқ, Президентимиз айтганларидек: «Шу билан бирга миллий ўз-ўзини англашнинг тикланиши жаҳон инсонпарварлик маданияти ва умумбашарий қадриятлар идеалларидан, бизнинг кўп миллатли жамиятимиз анъаналаридан ажралиб қолиши мумкин эмас».

Миллий ғурурнинг энг муҳим кўрсаткичларидан яна бири миллий фахр, миллий ифтихордир. Фахрланиш – миллий ғурурнинг бошланиши, қониқиш туйғуси бўлса, миллий ифтихор унинг юқори босқичи, чўққисидир. Миллий ифтихор миллатни яхлит ижтимоий бирлик эканлигини ҳис қилишда намоён бўлади. Худди шунинг учун ҳам миллий ифтихор, фуқаролик тушунчасига яқин тушунчадир. Маълумки, фуқаролик кишини қайси миллатга мансублигини эмас, балки муайян мамлакатга, шахснинг яшаб турган маконига боғлиқлигини ифодаловчи тушунчадир. Бошқача айтганда, фуқаролик – шахс билан давлат ўртасидаги алоқадорликни ифодалайди. Турли миллатга мансуб бўлган бир мамлакат фуқаролари миллатидан қатъий назар ўз давлатининг мустақиллиги, давлатнинг рамзлари (герби, байроғи, мадҳияси, Конституцияси, пули) билан фахрланиши тушунилади.

Миллий ғурур – Ватанга бўлган садоқат, меҳр-муҳаббат, бир сўз билан айтганда ватанпарварликда намоён бўлади. Миллий ғурури баланд кишида дунёда ўз Ватанидан, ватандошларидан азиз, мўътабар қудратнинг ўзи йўқ. Президентимиз Ислом Каримов ёзганидек: «Ватанга содиқлик, ватанпарварлик ўзини қудратли илдизлари билан ўз оиласининг, авлод-аждодларининг номус-орига чуқур эҳтиромига, инсоннинг шахсий виждонига, бурчга ва ўз сўзига содиқлигига бориб тақалади. Кишиларимизнинг ватанпарварлиги ҳамма вақт севимли халқнинг шон-шарафи, қадр-қиммати, маданияти ва анъаналарига эҳтиёткорлик билан муносабатида ўз ифодасини топиб келди».

Миллий ғурур инсонни ўзи туғилиб ўсган, киндик қони томган қишлоқ ёки шаҳар, ота-боболари, аждод ва авлодларининг масканини улуғлашда, ота-онаси, ака-укалари, хешу ақраболарини эъзозлашда, юртнинг ўтмиши, бугуни, келажаги билан фахрланишда ўз аксини топади. Худди шунинг учун ҳам янги жамият қурилаётган бугунги шароитда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов айтганидек: «Ватан туйғуси, Ватан тушунчаси биз учун саждагоҳдай муқаддас, саждагоҳдай пок ва улуғ бўлмоғи керак... Улуғ аждодларимиздан муқаддас мерос бўлиб келаётган Ватанга муҳаббат туйғусини, фарзандларимизга, бугунги ва келажак авлодларимиз учун чинакам эътиқодга, чинакам ақидага айланиши лозим...».

Миллий ғурур, бу Ватанни севиш ҳақидаги баландпарвоз гаплар, чақириқлар, шиорлар эмас, балки ҳақиқий ватанпарварлик, эл-юртни порлоқ келажаги учун, Ватан, халқ, миллат фаровонлиги йўлида чинакамига ҳалол меҳнат қилишдир. Она заминни чин қалбдан севмоқ, унинг манфаати йўлида бутун билим, қобилият, куч-қувватини сафарбар қилмоқ, ватанпарварлик белгисидир. Худди шунинг учун ҳам, ватанпарварлик – юксак эътиқод, ватан ва миллат олдидаги масъулият, юксак бурчни англашдир. Ҳақиқий ватанпарварлик инсон миллий ғурурини энг муҳим кўрсаткичидир.

Миллий ғурури баланд инсон миллат, халқ, давлат, жамият манфаатини ўз манфаатидан ҳамиша устун қўяди. Миллатим, элим, юртим, халқим, Ватаним деб яшайди. Бутун ҳаётини миллий истиқлол истиқболига бахшида қилади. Кўпчиликка фойда келтириш, одамлар дарди, ташвиши билан яшаш бундай кишилар фаолиятининг мағзини ташкил этади. Ана шундай миллатпарвар, халқпарвар кишилар сони қанча кўп бўлса, инсонпарвар демократик жамият қуриш жараёни ҳам шунча тезлашади. Ўз навбатида миллий ғурури баланд шахслар кўп бўлган кўп миллатли мамлакатда миллатлараро ҳамкорлик, тотувлик, аҳиллик ривож топади.

**Тоҳир ҚУРБОНОВ,**
**ТАТУ Қарши филиали Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси мудири, фалсафа фанлари номзоди**

ҚАДРИЯТ



## Оиладаги соғлом муҳит

### БАРКАМОЛЛИК ПОЙДЕВОРИ

***Оила – соғлом, баркамол авлодни камолга етказувчи табаррук маскандир. Инсоннинг ҳаётий тушунча ва тасаввурлари даставвал оилада шаклланади. Шу боис, уни жамиятнинг кичик бўлаги, асоси дейишади.***

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА**

Қадимий манбаларда ҳам оила масаласига алоҳида эътибор қаратилганига гувоҳ бўламиз. Негаки, ҳар қандай жамиятнинг тараққиёти, ривожланиши, мустаҳкам илдиз отиши энг аввало, оила тинчлигига, аҳиллигига бевосита боғлиқдир. Муболағасиз айтиш мумкинки, оила фуқаролик жамиятининг таянч нуқтасидир. Чунки бу муқаддас даргоҳда нафақат инсон дунёга келади, балки у маънан ва ахлоқан тарбия топади.

Соғлом оилавий муҳитни шакллантириш ва шу орқали соғлом авлодни камол топтириш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаси этиб белгиланган. Ана шу сиёсатнинг ҳуқуқий асоси, биринчи навбатда Ўзбекистон Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилиши ва махсус “Оила” бобининг киритилишида рамзий маъно бор.

– Баркамол авлод энг аввало, оилада шаклланади,– дейди “Оила” илмий-амалий маркази директори, психология фанлари доктори, профессор Васила Каримова. – Ҳар бир ота-она фарзандини комил, етук бўлиб вояга етишини хоҳлайди. Жорий йилнинг “Баркамол авлод йили” деб номланиши, унга оид Давлат дастурининг қабул қилиниши марказ олдига қатор вазифалар қўйди. Дастурнинг биргина 64-бандини оладиган бўлсак, унда иқтидорли ёшларни интеллектуал савиясини ривожлантириш масаласи илгари сурилган. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида марказ ёш олимларни қўллаб-қувватлаш ва улар орасидан энг иқтидорли ва истеъдодлиларини танлаш учун “Юксак маънавиятли оила – ёш олимлар нигоҳида” мавзусида илмий-амалий семинар ўтказиш ва тадқиқотчилар, аспирантлар, ёш олимлар ўртасида “Энг яхши илмий мақола” танловини ташкил этишни режалаштирган. Бундан кўзланган мақсад ёш олимларни рағбатлантириш билан бирга оилага оид муаммоларни бартараф этиш йўлида қўллаб-қувватлашдан иборат.

Юртимизда оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, комил инсонларни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган эзгу амаллар эътиборга молик. Ўтган 2009 йилда Президентимизнинг “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори бу борада дастуриламал бўлмоқда. Аҳолининг кенг қатламлари орасида соғлом турмуш тарғиботини кучайтириш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, оналар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатувчи бирламчи бўғинлар фаолиятини такомиллаштириш борасида салмоқли юмушлар амалга ошириляпти.

В.Каримованинг таъкидлашича, соғлом турмуш тарзини шакллантиришда ёшларни гиёҳвандлик ва ичкиликбозликдан асраш муҳим аҳамиятга эга. Аммо оиладаги носоғлом муҳит оқибатида гиёҳвандлик кўчасига кириб қолаётган ёшлар ҳам йўқ эмас. Ачинарлиси, улар орасида аёлларимиз, қизларимиз ҳам бор. Бу каби салбий иллатлар илдизини қирқиш учун юртимизнинг барча гўшасида ота-оналар университети ташкил этилган бўлиб, у ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Ушбу университетлар ишини янада такомиллаштириш, ота-оналарни огоҳ ва ҳушёр бўлишга даъват этиш марказнинг олдидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Зеро, ҳозир жаҳонни ташвишга солиб турган ОИТС хасталигининг олдини олиш, маънавиятимизга ёт бўлган ғоялардан ёшларни асраб қолишда ҳам унинг алоҳида ўрни бор.

— Оила тинч-тотувлиги ва мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида”ги Низом қабул қилинганига бир неча йил бўлди. Аммо никоҳ қураётган ёшларнинг барчаси ҳам бу жараёнга жиддий ёндашмаяпти. Бу эса, яширин касалликнинг баъзи кўриниши билан ҳам никоҳ қуриш ҳолатлари юз беришига сабаб бўлмоқда. Чунки, тиббий текширувларда жиддий хасталикка чалинган ёшлар ҳам никоҳ қурмоқчи бўлаётганлиги аниқланяпти. Жумладан, вилоятлардаги бу жараён таҳлил қилинганда ўтган йил 600 мингдан ортиқ киши тиббий кўрикдан ўтказилган. Шундан салкам минг нафарга яқинида бешта жиддий касаллик аниқланган. Айрим ота-оналар хасталанган фарзандларини даволатиш ўрнига уларни уйлантириб ёки турмушга узатиб, фожиа кетидан фожиага замин ҳозирлаётганини нима билан изоҳлаш мумкин. Бунда айрим тиббиёт ходимларининг ҳам ўз бурчига совуққонлик билан ёндашаётганлиги кўринмоқда. Шунингдек, бизни азалдан қийнаб келаётган муаммолардан яна бири қариндош-уруғ никоҳидир. Бу борада аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларининг кенг кўламда олиб борилаётганига қарамай, бу каби никоҳлар учраяпти. Баъзида, ота-оналар расмий никоҳдан ўтмай туриб, тўй қилишни маъқул кўришяпти. Аммо таҳлиллар бундай ҳолатлар аянчли эканлигидан далолат беради. Маълумотларга қараганда, ҳар учта қариндош-уруғ ўртасидаги никоҳдан битта ногирон бола туғилади. Агар 100 та оила шу йўсинда қурилса, демак 30 та ногирон бола дунёга келиши мумкин. Бу сингари ҳолатга йўл қўйилганда маънавий жиҳатдан жазога тортиш, ота-оналар жавобгарлигини ошириш мақсадга мувофиқ, назаримизда. 2009 йилда салкам 20 мингта никоҳ ажримлари қайд этилган. Ажралишларнинг аксариятига ёш турмуш қуриш сабаб бўлган.

*Биз қураётган демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятида оила ўзига хос ижтимоий бирлашмани ташкил этади. Оиланинг бу хусусияти унинг жамият манфаатлари билан боғлиқлиги ҳамда ижтимоий вазифаларида ифодаланади.*

Чиндан ҳам қўлида ҳунари, танлаган касби бўлмаган 16 ёшли қиз турмушга узатилса нима бўлишини тасаввур қилинг. Бегона оила, рўзғор ҳали ўзини эплаб олмаган қиз зиммасида. Бунинг устига икки йилда иккита фарзандли бўлади. Тўнғич фарзанди мактабга борадиган бўлди ҳамки, унинг рўзғорни бошқаришга уқуви йўқ. Аниқки, қайнонага бундай келин керак эмас. У болалари билан эридан ажрашишга мажбур бўлади. Ёлғиз қолган онага давлат ва жамоат ташкилотлари ёрдам кўрсатади, албатта. Бироқ, иккита фарзандни отасиз, бунинг устига қўлида ҳунари йўқ аёл рисоладагидек улғайтира оладими?

Биз қураётган демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятида оила ўзига хос ижтимоий бирлашмани ташкил этади. Оиланинг бу хусусияти унинг жамият манфаатлари билан боғлиқлиги ҳамда ижтимоий вазифаларида ифодаланади. Шуни айтиш керакки, мамлакатимизда ҳар бир оила ва ҳар бир инсоннинг турмуш фаровонлигини, фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлашга қаратилган дастурий мақсадларга асосланиб иш олиб борилмоқда. Бунга ҳар биримиз масъулият билан ёндашмоғимиз фарзандларимиз келажаги, давлатимиз келажаги билан узвий боғлиқлигини унутмаслигимиз даркор.


“ҚАШҚАДАРЁ ГЛОБАЛ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ” МЧЖ ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Юртимиз аҳолисини яқинлашиб келаётган яшариш ва янгиланиш фасли

НАВРЎЗ БАЙРАМИ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ.

Баҳор айёми диёримизга тинчлик, шоду хуррамлик, дастурхонимизга қут-барака, ҳар бир оилага бахт-саодат, хонадонларимизга тўкинлик олиб келсин.



# МАЪНАВИЯТ


BANK

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

*Эзгулик ва боқий анъаналар элчиси – Наврўз байрами муносабати билан мамлакатимизнинг барча фуқароларини қизгин табриклайди. Эл-юрт фаровонлиги йўлида астойдил меҳнат қилаётган юртдошларимизга улкан муваффақиятлар ёр бўлсин!*

**Шодиёна кунлари Сиз учун манфаатли шартларга асосланган янги "Кўклам-2" ютуқли омонатини таклиф этади.**

**"КЎКЛАМ-2"** омонат турига маблағлар жисмоний шахслар томонидан миллий валютада камида 100 000 (бир юз минг) сўм миқдорида нақд пулда 2010 йилнинг 1-апрелига қадар қабул қилинади.

Мазкур омонатга фоиз даромади тўланиши билан бирга ютуқлар тиражи ўтказилиб, ютуқлар тиражи 2010 йилни апрель ойининг иккинчи декадасида ўтказилади. Ютуқлар тиражида "Матиз" автомобили, телевизор, кир ювиш машинаси ва электр дазмол каби буюм ва пул ютуқлари ўйналади.



**ЯРАТИЛГАН ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИНГ!**

**АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИ ДАХЛСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН!!!**

**Мурожаат учун тел: 150-12-91**
**Хизматлар лицензияланган.**
**Лиц №25. 25.01.2003.**


ТАДОРИК

## Байрам тараддуди



Сирдарё вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ташаббуси билан Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик бошлаб юборилди. Айниқса, жойларда ташкилий ва ижодий гуруҳлар тузиш, маҳаллаларда, ўқув юртларида чекка қишлоқлар, туман ва шаҳарлар марказларида байрамни кўтаринки кайфиятда ўтказиш бўйича катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Наврўз тантаналари Гулистон шаҳар маданият ва истироҳат боғи олдида, «Яшил театр»нинг ёзги саҳнасида, О.Хўжаев номли вилоят драма театри ёнидаги амфитеатрда, педагогика коллежи боғларида, Дўстлик қўрғони гузарида ўтказилиши режалаштирилган. Тадбирларда карнай-сурнайчилар гуруҳи, жарчилар, дорбоз, цирк, халқ ўйинлари, спорт тадбирлари, фольклор-этнографик халқ ансамбллари ўзларининг дилрабо куй ва қўшиқлари, турли қизиқарли чиқишлари билан байрам томошабинларига завқу шавқ бахшида этадилар.

Биргина Гулистон шаҳар маданият ва истироҳат боғи олдида бўлиб ўтадиган «Сирдарёга хуш келдинг, Наврўз» деб номланган тадбирда «Сирдарё наволари» академик бадиий жамоаси, «Афсона» рақс гуруҳи, «Деҳқон болалари» фольклор ансамбли ва бир гуруҳ иқтидорли санъат шайдолари иштирок этиши кутилмоқда. Шунингдек, «Наврўз» мақомчилар ансамбли, «Сайхун йигитлари», «Жан-жанай» фольклор этнографик халқ ансамбли ўзларининг театрлашган томошаларини ҳавола этади. Спорт бўлимида «Умид ниҳоллари-2009» мусобақаси ғолиблари, кураш ва каратэ федерацияси қошидаги жамоалар чемпионларининг чиқишлари байрам дастурларини янада қизиқарли ўтишини таъминлаши, шубҳасиз.

**М.КАРИМОВА**

МЕРОС

# Мангу мувозанат

## ОЛАМ ТАЯНЧИ ҚАЙДА?

*Наврўз биз учун қадрдон миллий байрам. У қарийб 5 минг йиллик тарихга эга.*

*Буни қарангки, Наврўзи олам арафасида юртимизга хушхабар етиб келди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси ўзининг шу йил 23 февраль куни ўтказиладиган 64-сессиясида 21 мартни «Халқаро Наврўз куни» деб эътироф этди.*

*... Ҳозир Сиз ўқийдиган қуйидаги лавҳалар ҳам ана шу севимли байрамимиз Наврўз хусусида. Мен бу лавҳалар ҳақидаги кириш сўзимга "Олам таянчи қайда?" деб сарлавҳа қўйдим. Нега бундай атадим?*

*...Таянчсиз нарса, ҳодиса бўлмас. Ҳамма нарса бир-бирига таянади, суянади, акс ҳолда яшолмайди, қулайди, нурайди... Биз ва барча мавжудотлар яшаб турган олам қиёсию, мисли йўқ улкан бир чексиз иморатдир. Ушбу иморатнинг минг-минглаб эмас, миллионлаб, миллиардлаб кичик қисмчалари, "ғиштлари" ва "михлари" борким, улар бир-бирини тортиб, ушлаб, қувватлаб, суяб туради. Бирор-бир кичкинтой мих, ҳатто ўрнидан қимирласа, бутун иморат силкинади...*

*Ҳозир сизнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган "Мангу Наврўз" китобидан парчалар олам асосида ётган бузиб бўлмас ана шу мангу мувозанат ҳақида. Ҳа, бир зум ўйлаб кўрайлик, фикр қилайлик: оламга ва одамларга қайси фасл афзалроқ, зарурроқ? Қишми ё баҳор, ёзми ё куз?..*

*Ёзувчи Йўлдош Муқимов Наврўз ҳақида асар ёзишда халқ ижодига – қадимий афсона варивоятларга таянган. Сиз ўқиётган лавҳалар орасида фақат йил фасллари – қиш, ёз, баҳор ва куз ҳақида гап кетиб қолмай, бошқа қадриятлар, абадиятлар ҳам тилга олинади. Масалан, дошқозон. Нега у дошқозон дейилган? Бу нақлда ҳам юқорида биз баён этган ўша "таянч" тушунчаси олға сурилади: бир-бирига таянганлар – бахтиёр, таянмаганлар – хору зор. Ўртада қайнаган улкан қозон элни бирлаштиради, турли гина-кудуратларни бартараф этади. Ҳамма бирлашиб битта катта қозонда сумалак ёки ҳалиса-ҳалим пиширади, ҳамманинг ризқ-рўзи ана шу битта қозонда. Бу ота-боболардан қолган қутлуғ таомил, муқаддас урф-одат. "Дошқозон" атамасининг "қардош қозон" сўзидан келиб чиққанлиги ҳақидаги фикр ҳам ибратлидир. Бироқ шу ерда тўхтаганим маъқул. Ҳамма данакларни, ёнғоқларни ўзим чақиб бермайин, дейман. Яхшиси, азиз муштарий, "Мангу мувозанат" бобидан айрим лавҳаларни ўқиб, ўзингиз фикр юритасиз деб ўйлайман.*

**Олимжон НАЗАРОВ,**
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси**

...Майдон саҳнасида, осмонданми ё заминдан сеҳрли оҳанг таратиб, садо чиқадир. Бора-бора садо ичра ҳижжа-ҳужжа бўлиниб-бўлиниб, алоҳида-алоҳида урғу урилиб, теран туйғулар қўзғатиб сўзлар қанот боғлаб учадир:

...Кунлар ўтадирлар, йиллар учарлар,
Отларин қичарлар сўнгра мучаллар.
Алар асрларни қувиб, қучарлар,
Довон-довон оша сокин кўчарлар.

Ҳар бир йилимизда тўрт учқур фасл,
Бири-бирин қувар азал, муттасил.
Гарчи либослари турфа-турфа хил,
Муроду манзил бир, буни англагил!

Ушбу ҳангомага қулоқ бергайсен,
Нечук маъноси бор, барин тергайсен!..

... Бир зум сукут чўкадир. Шу топ парда очиладир. Саҳнада муаррих тарих дафтарига рақам дарж этиб ўтирадир. Теран тафаккур, ўй-хаёлларга ғарқ ҳолда ёзаётганларини ўзи эшитиб, таҳрир этиш мақсадида овоз чиқариб ўқийдир:

*...То бор экан Ер-осмон,*
*мангу яшайди инсон.*
*Замоналарнинг зайли мисоли*
*Баҳри Уммон.*

*Гоҳ ортга чекинадир, гоҳида*
*жўш урадир,*
*Гоҳо сукут сақлайдир, гоҳида*
*гуркирайдир...*

Бир лаҳза жим туриб, дафтар саҳифаларида ниманидир, қандайдир бир сўзни тузатиб, туйғулари боз туғён қиладир:

*Ҳар бир ўтар замоннинг*
*яхши-ёмонлари бор,*

*Гоҳ мудраган онлари,*
*гоҳо давронлари бор.*
*Ҳар бир даври даврoннинг*
*дониш ўғлонлари бор...*
*Карвонларга бош бўлур зукко*
*сарбонлари бор...*

Тағин бир зум сукут сақлаб, чеҳраси очилиб, кўзлари равшанлашиб ёзадир, ёзадир, сўнг қироат қиладир:

*...Ўшал қутлуғ карвонлар бизга*
*бахт олиб келди,*
*Нек қадам сарбон ила янгича*
*тартиб келди.*
*Биз севган гўзал Наврўз боз*
*элга қайтиб келди,*
*Она заминни қўмсаб,*
*қўшиқлар айтиб келди...*

Саҳнанинг қайси бир тарафидандир боз сеҳрли овоз янграйдир:

*О, муаррих! Тебратганда Сен қалам,*
*Ёшаргандай бўлур бу кўҳна олам...*
*Шундоқ рақам чекким,*
*акс этсун мозий.*
*Тарих саҳифаси одил тарози...*

Муаррих теварак-атрофга аланглаб қарайдир. Бир неча дақиқа ўйга ботиб, тағин дафтар узра ўз диққат-эътиборини йиғадир, ёзадир, сўнг ўқийдир:

*...Одамлар сўрарлар: Наврўз нимадир?*
*Такрор-такрор келур минг*
*силсиладир...*
*Йиллар ёшин яшаб, топадир якун,*
*Тенглашиб, қўл берур кундуз ила тун...*
*Агар ўлчасангиз йиллар мобайнин,*
*Баробар турадир тарозу шайин.*
*Наврўз палласида табиат гулгун,*
*Майсалар гуркурар, барглари дуркун...*

*Борлиқ халос бўлур қиш қафасидан,*
*Симириб ичингиз ҳур нафасидан!..*

Номаълум ёқдан боз овоз эшитиладир:

*Айтгил, о, муаррих, ҳақ сўзни, ростин,*
*Нечун олам бу хил остину устун?*
*Гоҳо кун чиқадир, ҳаммаёқ ойдин,*
*Сўнгра тун эгаллар ёрқин кун ўрнин.*

*Ўн беш кун фалакдан сочар ой зиё,*
*Ўн беш кун либоси қаро, зим-зиё.*

Муаррих:

*На замин бор эрди, на гумбаз-осмон,*
*Дарранда, парранда, на дарахт, инсон.*
*Фақат мавжуд эрди мавҳум, бўш замон,*
*Муаллақ тўхтаган маскану макон...*

*Атрофга нигоҳин қаратди Тангри,*
*Аввало ер-осмонни яратди Тангри.*
*Илоҳий нафасдан туғилди Зарвон,*
*Тобе бўлди анга Ер бирла Осмон.*

*Икки ўғлон топди андин таваллуд,*
*Бири Аҳримандир, бириси Ҳурмузд.*
*Бири ёвузликдир, бири эзгулик,*
*Об ила оташдир мудом, мангулик...*

*Ҳурмузд ҳаёт берар, Аҳриман мамот,*
*Биридан дод қолди, бирисидан от...*
*Ҳурмузднинг зурёди момо Онақут,*
*Табаррук сийнадан ичдик қутлуғ сут.*
*Бири заҳар сочар бўлмишки пайдо,*
*Бири меҳрин тўкар, инсонга шайдо...*
*Тўраб Қариқайлиқ шум Аҳримандан,*
*Фалак нурин тўсар сан ила мандан.*
*Ёвузлик, эзгулик мудом тўқнашар,*
*Икки қутб аро яшайдир Башар.*

...Ногаҳонда шамол турадир, чангтўзон қўзғоладир, ҳуштак чаладир. Ўкирадир, бўкирадир.



Боз еру заминданми, осмондан садо оҳанглари янграб, сўзлар жаранглаб эшитиладир:

*...Қайдан бу тўс-тўполон,*
*Қаёндан шовқин-сурон?*
*Қайдан қўзғалди бўрон,*
*Еру осмонда тўзон!..*

*Қайдан бул қасур-қусур.*
*Бири-бирисин тўсур...*
*Дарахт бошлари шов-шув,*
*Осмон гулдур ва гулдур...*

Сеҳрли садо бир лаҳза тиниб, сўнгра ўзи берган саволга ўзи жавоб қайтарадир:

*Огоҳ бўл, аҳли инсон,*
*Келиб етганида он,*
*Иссиқ-совуқ тўқнашур.*
*Тараф-тараф турушур...*
*Яхши-ёмон урушур,*
*Бири-бирин қувушур...*

Шу дақиқаларда тўзон орасидан қоронғулик ва ёвузлик, қаҳратон қиш тимсоли Қариқайлиқ–Аямажуз сийрати кўринадир, жулдур-жулдур, қора латта-путталарга бурканган букри кампир заҳарли таёғини дам ерга тўқиллатиб уриб, дам кўтариб, одамларга ўқталиб, вайсаб-саннаб келадир:

Азал, азалдан, асли,
Инсонга бордир қасдим!
Терисин шилиб олиб,
Қилиб киюрман пўстин.
Касбим шул, айтсам ростин!
Буткул, борлиқ, Ер юзин,
Айларман остин-устин!

Дағдаға қилиб одамларга яқинлашадир, бутун аъзои бадани титраб-қалтираб пўписада давом этадир:

*Ер юзини музлатиб,*
*Учгум келур яхмалак.*
*Заминнинг яхладими,*
*Охир замондан дарак.*
*Сув оқиб чаппасига,*
*Ғарқ бўлур ёппасига...*
*Қуёш машриқдан эмас,*
*Мағрибдан чиқса керак.*
*Муз эриб шунда билинг,*
*Ер юзи қизир мисдак.*
*Ҳаммаёқни текислаб,*
*Ўйнатиб сўнгра коптоk*
*Ёқалари бўлур чок.*

Қариқайлиқ сакраб-сакраб, бутун вужуди ила титраб, жағлари қалтираб, қуюнгирдоб бўлиб, одамлар теграсида айланадир, югурадир:

*Қаҳратон қиш элчимдир,*
*Қийратғич қиличимдир...*
*"Аёз!" десанг мен аёз!*
*Қанча эрсам, шунча оз!*
*Даф бўлсин баҳору ёз.*
*Музласангиз қандоқ соз!..*
*Шундан мен баландпарвоз,*
*Талтаярман мисли ғоз!..*

Қаҳратон қиш ўз хуружини тўхтатмас, эндигина ғунча отаётган бодом ва ўрик шохларига совуқ нафас уфурар. Эриётган муз парчаларини қайтадан яхлатар. Бундан мамнун Қариқайлиқ такрор-такрор қаҳ-қаҳ урар, майдоннинг у ёғидан бу ёғига югурар, ҳамон ўшқирар:

*Гарчи қаридурмен, букри, бетишмен,*
*Ва лекин беаёв, қаҳратон қишмен!*
*Тош каби дўлдурмен, қормен,*
*қантармен,*
*Сенлар қалтирарсиз, мен ялтирармен...*
*Ҳали битмай қолган кўп юмушим бор,*
*Ягона эрса-да заҳар тишим бор.*

*Муздан ётоқ ясаб, бунда қолурмен,*
*Ҳаммани яхлатиб, сўнгра қонурмен!*

*Аҳман-даҳман менга шотир-югурдак,*
*Ёнимга шошурлар чалсам бир ҳуштак.*
*Ерда ясайдурмен дўзах-яхмалак,*
*Таъзим қилур менга осмону фалак!*

Шу дақиқаларда мўъжиза рўй берадир, қиш нафасини илиқ еллар қисиб келабошлайдир. Ҳур-ҳур насим дилларни аллалайдир, ором бахш этадир. Бошига ранг-баранг гуллардан чамбарак таққан, қип-қизил лолалардан тикилган либос кийган баҳор намоён бўладир, кўкракларга урилаётган ёқимли шамол қанотида севинчли-соғинчли сўзлар янграйдир:

Баҳормен, ёронлар, мен навбаҳормен,
Табаррук тумормен, кўзи хумормен.
Юзлари гулгунмен, тоза наҳормен,
Янги кун, янги тонг, янгича онг мен,
Заминга шайдомен, ёрмен, хуштормен...
Элимга эркамен, ҳур, бахтиёрмен.
Дилрабо куйдирмен, қўшиқ-алёрмен!



# ЖАРАЁН

**БАРКАМОЛ АВЛОД**



# Иқтидорли ва салоҳиятли ёшлар

## ВАТАНИМИЗ КЕЛАЖАГИ ВА ТАЯНЧИ

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

### Ислоҳот ва самара

Маълумки, Ўзбекистон нафақат Шарқ, балки умумжаҳон тамаддуни бешикларидан бири. Ушбу қадим ва табаррук заминдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, тадбиркору ишбилармонлар, зукко сиёсатчилар етишиб чиққан. Бой тарихимиз шундан далолат берадики, қайси замонда илму фанга, маданиятга алоҳида эътибор қаратилган бўлса, ўша замонда тараққиёт бўлган, фаровонлик юз берган, халқнинг маънавияти юксакка кўтарилган. Бугун ҳам ана шундай эътибор ва юксалишларнинг шоҳиди бўлиб турибмиз. Аммо адолат билан айтадиган бўлсак, ҳеч бир замонда таълим-тарбия, фан ва ижод давлат сиёсатининг устувор вазифаси этиб белгиланмаган. **Мамлакат раҳбари таълим-тарбия, фан ва ижодни юксалтиришга ўзининг биринчи вазифаси сифатида қарамаган. Таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаби даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, келажак учун баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялаш мақсадида "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ қилинмоқда.**

Юртбошимиз **"Таълим-тарбия - онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди"**, деб таъкидлайди. Шу боис ҳам мамлакатимизда таълим-тарбия, илм-фан ва ижод давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири этиб белгиланди.

Айтиш лозимки, таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Масалан, кимё фани бўйича Тошкентда ўтказилган халқаро Менделеев олимпиадасида ўқувчиларимизнинг 13 та медални қўлга киритганлиги ёки Испанияда 97 та мамлакат ўқувчилари ўртасида математика фани бўйича ўтказилган олимпиадада 4 нафар ўқувчимизнинг совриндор бўлганлиги ҳаммамизни қувонтириши шубҳасиз? Бундан ташқари, истеъдодли фарзандларимиз Франция ва Италияда бўлиб ўтган халқаро кўрик-танловларнинг мусиқа йўналишида ғолиб бўлиб, Ватанимиз байроғини баланд кўтардилар.

*Айтиш лозимки, таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Масалан, кимё фани бўйича Тошкентда ўтказилган халқаро Менделеев олимпиадасида ўқувчиларимизнинг 13 та медални қўлга киритганлиги ёки Испанияда 97 та мамлакат ўқувчилари ўртасида математика фани бўйича ўтказилган олимпиадада 4 нафар ўқувчимизнинг совриндор бўлганлиги ҳаммамизни қувонтириши шубҳасиз?*

Қисқаси, таълим тизимида амалга оширилган ислоҳотлар туфайли ёшларимизнинг онги ва дунёқараши ўзгарди, энг муҳими, ёш авлод онгида ўзига ва келажакка ишонч туйғуси пайдо бўлди. Уларнинг қалбида мамлакатимизда юз бераётган ислоҳотларга дахлдорлик ҳисси бўй кўрсатди. Айни пайтда уларда билим олиш эҳтиёжи кучайиб, "Малакали мутахассис, ўз касбимнинг устаси бўлсамгина, ҳаётда муносиб ўрнимни топишим мумкин", деган аҳд, шунингдек, "Шу азиз Ватан меники, уни обод этиш менинг муқаддас бурчимдир", деган туйғу тобора шаклланмоқда.

Президентимизнинг мамлакатимиз ёшларига қарата: "Сиз азизлар, биз бошлаган ишларнинг давомчиси сифатида олдимизга қўйган мақсад - ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, демократик, озод ва обод жамият қуришда эртага асосий ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётганингизни чуқур ҳис этиб, замонавий билим, замонавий тараққиёт сирларини эгаллашга, албатта, қодир бўлишингиз керак", деб айтган сўзларида улуғ мақсад мужассам. Бугунги кунда ушбу мақсад амалга ошиб, замонавий билим даргоҳларида илмли ва заковатли ёшлар камол топмоқда.

### Миллий дастур мевалари

Таълим соҳасида аниқ ва табиий фанларни чуқур ўқитишни такомиллаштириш бугунги юксак техникавий тараққиёт даврининг асосий талабидир. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида бу борадаги вазифалар аниқ белгилаб берилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ёшларимизнинг шиддаткор замон билан ҳамоҳанг қадам ташлашини таъминлаш ва юртимизнинг илмий техникавий салоҳиятини оширишни кўзлаб мақсадли ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги тезкор ахборот-коммуникация асрида аниқ-табиий фанлар ривожи учун мустаҳкам пойдевор яратадиган кадрларга эҳтиёж ҳар қачонгидан кучли. Боиси, математика, физика, биология, кимё, астрономия соҳалари ютуқлари ҳар қандай жамиятнинг фан-техника, технологик ривожланиши негизини ташкил этади.

Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган маърузасида "Ўзбекистон ўзининг миллий Фанлар академиясига эга бўлиб, унинг таркибида улкан илмий-техник салоҳиятига эга бўлган 43 та академик институт муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Табиий ва аниқ фанларнинг ядро физикаси, иссиқлик физикаси, астрофизика, гелиоматериалшунослик, биология, микробиология, кимё ва табиий бирикмалар кимёси, сейсмология йўналишларида ва бошқа кўплаб соҳаларда истиқболли тадқиқотлар олиб борилмоқда", дея эътироф этилганди. Дарҳақиқат, мамлакатимизда таълим-тарбия ва илм-фан соҳалари ривожи учун катта имкониятлар эшиги очилган. Президентимиз мустақил тараққиёт йўлимизнинг асосчиси сифатида ёшларимизнинг аниқ-табиий фанларни эгаллашларига алоҳида аҳамият бермоқда. Бу йўлда давлат бюджетидан катта маблағлар сарфланяпти.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот институтларида кейинги 2-3 йилда илмнинг ушбу йўналишлари бўйича аспирантурага ҳужжат топшираётганлар сони кўпайганлиги фикримиз исботидир.

Ўзбек илм-фани бақувват илдизга эга. Тарихимизни бир эсга олайлик. Буюк алломаларимиз Абу Райҳон Беруний Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Ҳаким Термизий, Абу Наср Форобий, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи каби юзлаб қомусий, таъбир жоиз бўлса, аниқ табиий фанлар кашфиётчиларининг дунё тамаддунига қўшган беқиёс ҳиссаси қалбимизга фахр бағишлайди. Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий, Муҳаммад Ўрозбоев, Ҳабиб Абдуллаев, Убай Орипов, Содиқ Азимов, Саъди Сирожиддинов, Обид Содиқов, Яҳё Ғуломов, Иброҳим Мўминов, Раҳима Аминова, Собир Юнусов сингари зотлар XX аср ўзбек фанидан мактаб яратишди. Уларнинг анъанасини давом эттирувчи муносиб издошлар бугунги кунда кўплаб етишиб чиқмоқда. Яқин келажакда жаҳоннинг манаман деган олимлари билан тенг баҳслашадиган олимларимиз сафи кенгайишига шубҳа йўқ.

*Мамлакатимиз бир неча соҳалар, жумладан электр тармоқлари ривожланган давлатлар сафидан ўрин эгаллаган. Қолаверса, мазкур фанларни ўрганиш фақат мутахассис ва олимлар учунгина эмас, балки ҳар биримиз учун заруратга айланиб бормоқда. Масалан, электр билан кундалик ҳаётимизда доимо муомалада эканлигимиз ҳар биримизнинг физика, математика, электроника, биология, кимё фанларидан чуқур хабардор бўлишимизни талаб этади.*

Албатта, бунинг учун ишни мактаб таълимида аниқ фанларни пишиқ пухта ўқитишга эътибор қаратишдан бошлаш керак. Бу масалада жаҳондаги илғор мамлакатлардан кўп нарса ўрганиш мумкин. Чунончи, XXI аср ахборот, техника ва технология асри экан, ғоялар алмашинуви борлигини ҳам унутмаслигимиз лозим. Шу боис Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг асосий вазифаларидан бири сифатида дунёдаги илғор технологияларни эгаллашнинг бош шарти - Интернет тизими имкониятларидан унумли фойдаланишга эришишни таъминлашдир. Мамлакатимиздаги кўплаб мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида бу йўналиш ижроси етарлича йўлга қўйилмоқда. Бу ислоҳотларнинг сифат босқичини тўла амалга оширадиган муҳим омилдир. Дунёдаги кечаётган жараённи кўз олдимизга келтирсак, Ҳиндистон компьютерларнинг янги дастурларини сотиш борасида жадал илгарилаётганини кузатамиз. Япония эса жаҳонда ишлаб чиқаришнинг кўплаб йўналишларини яратган бўлса-да, ҳамон ўзининг янги ғояларини четга пулламоқда. Ана шундай "олтин саноати" даврида ўзимизнинг илғор ва ибратли, жаҳон талаблари даражасидаги ғояларимиз, дунёга олиб чиқишга арзигулик моделларимиз бўлиши керак ва бор ҳам!

Ҳозирги пайтда янги технологик усуллар, техникалар ҳар 5-6 йилда, баъзан ундан ҳам тезроқ муддатда "қарийди" ва қисқа вақтда янгиланиб, тобора мураккаблашиб бормоқда. Уларни фақат четдан олиб келавериш, биринчидан, катта сарф-харажатларни талаб этса, бошқа томондан, кимларгадир қарам бўлишга сабаб бўлади. Бугунги алоқалаштириш, автоматлаштириш ва компьютерлаштириш соҳаларидаги яратувчанлик учун ҳам аниқ фанларни янада чуқур ўзлаштириш керак. Оддий қилиб айтганда, кимё ва биология фанлари моддий асос тайёрласа, физика яратади, математика эса уни тўғри бошқариб, амалга оширади.

Бугунги кунда бу борадаги асосий муаммо шундан иборатки, аниқ фанлардаги иқтидорли ёшларнинг иқтисодиёт, молия, ҳуқуқшунослик каби соҳаларга ўтиб кетиши кузатилмоқда. Тўғри, бозор иқтисодиёти шароити ва ҳуқуқий жамият барпо этиш даврида бу соҳаларга қизиқиш кучайиши табиий ҳолат. Лекин биз ривожланган давлатлар даражасига кўтарилишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, фан-техника тизимидаги кадрларни тайёрлашни тараққий эттиришимиз керак.

Мамлакатимиз бир неча соҳалар, жумладан электр тармоқлари ривожланган давлатлар сафидан ўрин эгаллаган. Қолаверса, мазкур фанларни ўрганиш фақат мутахассис ва олимлар учунгина эмас, балки ҳар биримиз учун заруратга айланиб бормоқда. Масалан, электр билан кундалик ҳаётимизда доимо муомалада эканлигимиз ҳар биримизнинг физика, математика, электроника, биология, кимё фанларидан чуқур хабардор бўлишимизни талаб этади. Ҳар қадамда кўпгина транспорт турлари ва электроника қурилмаларига дуч келамиз. Хусусан, электроника заводлари, кимё саноати, пахтани қайта ишлаш, самолётсозлик, кон-металлургия, машинасозлик ҳамда енгил саноат корхоналарида ишловчилар физика-кимёвий ҳолат, экологик жараёнда меҳнат қилишади. Ўз-ўзидан аёнки, таълим тизимининг барча йўналишларида бошланғич физика, математика, биология фанларини чуқур ўзлаштириш зарурати вужудга келмоқда. Бу соҳадаги билимлар саноат, қишлоқ хўжалигининг оддий ходими учун ҳам сув ва ҳаводек керак.

Аниқ-табиий фанларни энг аввал умумтаълим мактабларида чуқур ўқитишнинг аҳамияти ҳақида тўхталар эканмиз, кадрлар тайёрлашнинг ҳозирги кун талаби эканлигини эсдан чиқармаслигимиз лозим. Агар айни шу фанлардан мактабда етарли билим эгалланмаса, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида бу вазифани бажариш бир мунча қийин кечади. Маълумки, ўқувчи ҳар қанча туғма иқтидор соҳиби бўлмасин, уни рўёбга чиқариш ўқитувчининг маҳорати ва билимига боғлиқ.

Мухтасар қилиб айтганда, биз профессор-ўқитувчиларнинг келгусидаги асосий вазифамиз - илм-фан ва таълим йўналишларига янги замон талаблари асосидаги фанларни киритиш, назария билан амалиётни уйғунлаштирган ҳолда илғор педагогик технологиялар ва усулларни кенг жорий этишдан иборатдир. Буларнинг барчаси аспирантлар, ёш тадқиқотчилар, яъни эртамиз эгаларининг ёркин истиқболи - келажаги буюк давлатимизнинг мақсад ва вазифалари учун хизмат қилади.

**Назар ТЎРАЕВ,**
**ЎзР ФА Илмий-ўқув маркази директори, академик**

---

**МУЛОҚОТ**

***Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни мониторинги натижаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, ҳамда бошқа турли вазирлик ва идоралардан келган мутахассислар иштирок этди.***

# Соғликни сақлаш

## ТИЗИМИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

**Камолиддин ҲОТАМОВ, "Milliy tiklanish" мухбири**

Инсон ҳаёти учун энг муҳим омил – соғлик, тани сиҳатликдир. Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда мазкур тизимни такомиллаштириш ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланганлигининг боиси ҳам шунда.

Истиқлол йилларида аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, тиббий хизматлар сифатини яхшилаш ва соҳада ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Жумладан, тизимни ислоҳ қилишга доир қатор Давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Дарвоқе, "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирларнинг ижроси соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

Давра суҳбатини ўтказишдан асосий мақсад юқорида тилга олинган Қонун ижроси юзасидан ўтказилган мониторинг натижаларини атрофлича муҳокама қилиш, мазкур қонунни амалиётда қўллаш механизмларидаги мавжуд камчиликларни аниқлаш ва шу асосда қонунчиликни такомиллаштириш бўйича аниқ таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат бўлди. Мониторинг натижаларига кўра, бугунги кунда 176 та махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжат, жумладан 12 та Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 33 та Фармон ва қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 77 та қарори соғлиқни сақлаш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қилмоқда.

Давра суҳбати иштирокчиларига мониторинг натижалари, суд идоралари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳамда давлат бошқарув органлари, олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот муассасаларидан фуқаролар соғлигини сақлаш соҳасига оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича олинган таклифлар, статистик таҳлиллар хусусида батафсил маълумот берилди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда фуқаролар соғлигини сақлаш тизимини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатлари, бозор иқтисодиёти шароитида соғлиқни сақлаш тизимларининг ўрни, тиббий хизматларнинг замонавий турларини ривожлантириш ва сифатини ошириш, норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича аниқ таклифларни билдиришди.

Давра суҳбати иштирокчилари томонидан ўтказилган мониторинг натижасида институт томонидан ишлаб чиқилган илмий-амалий тавсиялар маъқулланди.

---

**ТАДБИР**

# "Эртамиз эгалари"

## ХАЙРИЯ ТАДБИРИ АНА ШУНДАЙ НОМЛАНДИ

"Баркамол авлод йили"га бағишлаб пойтахтимиздаги Хлебушкина номли 22-меҳрибонлик уйида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик ҳамда ахборот маркази томонидан "Эртамиз эгалари" мавзуида хайрия тадбири ўтказилди.

- Бугунги тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда маданият, санъат соҳасида эришилган ютуқлардан ёшларни хабардор қилиш билан бирга мазкур даргоҳда истеъдодли ёшлардан иборат тўгараклар ташкил қилишдир,- дейди Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик ҳамда ахборот маркази директори Ўрозали Тошматов.

Хайрия тадбирида меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун миллий қўғирчоқлар кўргазмаси ташкил этилди. Шунингдек, қўғирчоқ спектакли ҳамда концерт дастури намойиш этилиб, эсдалик совғалар топширилди.

**ЎЗ МУХБИРИМИЗ**

---

**ОГОҲЛИК**

# Китоблар нега олиб қўйилди?

Бугунги кунда дунёда бирор диний бирлашма вакилларининг ўз эътиқодини бошқа дин вакиллари орасида ёйиш, яъни миссионерлик ҳаракати кириб бормаган мамлакат бўлмаса керак. Айниқса, миссионерликдан сиёсий қурол ёки иқтисодий даромад манбаи сифатида фойдаланиш кескин низоларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Мамлакатимизда виждон эркинлиги, ҳар кимнинг ўзи хоҳлаган динга эътиқод қилиш ҳуқуқи қонуний мустаҳкамлаб қўйилган. Шу билан бир қаторда, диний қарашларни мажбуран сингдириш таъқиқланади. Ушбу мақсадга хизмат қилувчи ва миссионерлик аломатлари мавжуд бўлган ҳар қандай диний адабиётлар юртимиз ҳудудига олиб кирилиши қонунан мумкин эмас. Шунга қарамай, олиб кириш таъқиқланган диний адабиётларни яширинча чегарадан ўтказишга уринаётган қонунбузарлар ҳам учраб турибди. Республикамиз божхоначилари томонидан ушбу ноқонуний ҳаракатларга қарши қатор чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

«Москва-Бухоро» йўналишида учиб келган фуқаро Р.Раҳматовнинг қўл юклари божхоначилар томонидан текширилганда, Ўзбекистон Республикасига олиб кирилиши таъқиқланган «Ҳаётимиз тақдир қўлидами ёки Худо олдида жавобгармизми?» ҳамда «Жизнь в мирном новом мире» сарлавҳали 2 дона брошюралар борлиги аниқланди.

Россия Федерациясидан Бухорога қайтаётган М.Маҳмудова ҳам ўзи билан негадир 2 дона «Иегово шоҳидлари» таълимоти тўғрисидаги дискларни олиб келибди. Аммо, бу аёл бундай адабиётлар юртимизда таъқиқланганини билармикан?

Қўшни давлат фуқароси Ж.Бегалиев ҳам божхона баённомасида қайд этмаган ҳолда 4 дона диний мавзудаги DVD ва 1 дона Flash дискларни яширинча олиб киришга уринганида Тошкент вилояти божхоначилари томонидан тўхтатиб қолинди. Шунингдек, вилоят божхоначилари фарғоналик М.Тешабоевани ҳам 5 хил номдаги 6 дона диний адабиётларни олиб ўтаётганида фош этишди.

Сурхондарё вилояти божхоначилари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбир давомида мамлакатимиз ҳудудидан транзит тарзида ўтаётган «Мерседес Бенц» юк автоуловни божхона назоратидан ўтказилди. Натижада, унинг тиркамасида ҳужжатларда қайд этилмаган ва қиймати салкам 4,4 млн. сўмлик 156 дона диний адабиётлар ва 4 дона диний мазмундаги аудио кассеталар яширинча олиб ўтилаётгани аниқланди.

Наманганлик божхоначилар ҳам ҳамкорликдаги тадбирлари давомида йирик миқдордаги диний адабиётларни тўхтатиб қолишди. «Тошкент-Фарғона» йўналишида ҳаракатланаётган фуқаро Б.Нишонов бошқарувидаги «Нексия» автомобили божхона назоратидан ўтказилганда, унда Германияда чоп этилган, қиймати 6 млн. сўмдан зиёд бўлган 1212 дона турли мазмундаги диний адабиётлар борлиги маълум бўлди. Номланишига кўра, «Иегово шоҳидлари» диний таълимотига оид мазкур диний адабиётлар фарғоналик А.Асановга тегишли экан.

Ҳозирда ушбу қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

**Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизмати**

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

БИЗНИНГ ШАРҲ

## Трансчегаравий сувлардан фойдаланиш

### МИНТАҚА ХАЛҚЛАРИ МАНФААТЛАРИ УСТУВОР БЎЛСИН

(Давоми. Боши 1-бетда)

сув-энергетик ресурслари ва сув хўжалик иншоотларидан оқилона ва ўзаро самарали фойдаланиш халқларимиз манфаатларига хизмат қилишига ўзаро ишонч билдирилган бўлишига қарамасдан, шу кунларда қўшни Тожикистон Республикасида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрларига зид равишда Роғун ГЭСи қурилиши жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда. Ўзбекистон томони ушбу объект қурилиши минтақа халқлари учун оғир оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигига бир неча маротаба жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратиб, бир қанча асосли ва ҳақли талабларни илгари суриб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тожикистон Республикаси Бош вазирига мурожаатида Тожикистонда қурилиши давом эттирилаётган Роғун ГЭСи ғоят улкан иншоот эканлиги, уни барпо этишдан аввал, унинг келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатларни холис баҳолаш лозимлиги қайд этилган. Шунингдек ушбу лойиҳанинг Орол ҳалокати оқибатларида минтақамизда юзага келган заиф экологик мувозанатга янада жиддий путур етказиши, жумладан, Амударёда сув оқими ҳажми ва тартибининг ўзгаришига кўрсатадиган таъсирини инобатга олиш, шунингдек, мазкур лойиҳанинг техноген хусусиятга эга таҳдидлари, биринчи навбатда, кучли зилзилалар хавфидан нечоғли ҳимояланганлик даражасига, Роғун ГЭСи қурилиши мўлжалланган жой тектоник ёрилиш чизиғи (10 баллик сейсмик ҳудуд)да жойлашганлиги ўта оғир табиий офатларни келтириб чиқариши мумкинлиги каби ҳолатларга эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг асосий ер усти сув оқимлари манбалари Амударё ва Сирдарё ҳисобланиб, улардан Орол денгизига оқиб кирувчи умумий сув ресурсларининг фақат бир қисми Ўзбекистон улушига тўғри келади. Орол денгизи ҳавзасидаги сув ресурслари шаклланишининг Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида тақсимланганда, 36% - Тожикистонга, 34% - Қирғизистонга, 17% - Афғонистонга, 5% - Қозоғистон ва 8% - Ўзбекистон улушига тўғри келади.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси ер усти сув ресурсларининг барчаси (92%) трансчегаравий ҳисобланиб, Амударё ҳавзасидаги фақатгина Қашқадарё ва Шеробод дарёлари тўлиқ Ўзбекистон ҳудудида жойлашган. Орол денгизи ҳавзасига қуйиладиган сув ресурсларининг 1/3 қисми Тожикистон улушига тўғри келади ва деярли барчаси қишлоқ хўжалиги, шунингдек, иқтисодиётнинг турли соҳаларида фойдаланилади.



Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг экологик хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан фикр юритадиган бўлсак, сув ресурсларининг тақчиллиги ва ифлосланиши катта муаммолардир. Сув ресурсларининг экологик талабларга мослиги сув объектларига таъсир кўрсатиш меъёрларининг белгиланиши ҳамда уларга риоя қилиниши билан бевосита боғлиқдир. Сув объектларига таъсир кўрсатиш меъёрлари бўлиб, сувлардаги шунингдек, оқова сувлардаги зарарли моддаларнинг йўл қўйиладиган даражадаги миқдорлари, сувлардан фойдаланиш лимитлари, саноат, коммунал ва бошқа объектларда сувдан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш меъёрлари ҳисобланади. Сувларнинг сифатини ва улардан фойдаланишни меъёрлаш сув манбаларини муҳофаза қилишнинг асосий шаклларидан бири бўлиб, бошқа ташкилий, ҳуқуқий чоралар ичида марказий ўринни эгаллайди. Ер усти сувларини ифлосланишдан муҳофаза қилиш бўйича амалдаги санитар қоидаларда сувларнинг сифатини аниқлаш учун 40 та ва оқова сувларнинг таркибидаги 1000 дан ортиқ зарарли моддалар бўйича йўл қўйиладиган даражадаги миқдорлар белгиланган. Шулар билан бирга ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларнинг йўл қўйиладиган даражадаги тўпланиш миқдорлари муҳим стандартлар тоифасига киргани ҳолда йўл қўйиладиган даражадаги ифлослантирувчи моддаларнинг тўпланиш миқдорлари атроф муҳитни ифлослантирувчи моддаларнинг энг юқори ва ўртача тўпланиш миқдорларини белгилайди. Ҳозирда сувларни ифлослантирувчи 2679 та модда бўйича стандартлар – йўл қўйиладиган даражадаги тўпланиш миқдорлари мавжуд.

2002 йилдан бошлаб амалга оширилиб келинаётган экологик мониторинг натижаларига назар ташласак, Тожикистон Республикасидаги сув ресурсларининг трансчегаравий ифлосланиши туфайли Амударё ҳавзасига кирувчи Сурхондарё ва Зарафшон дарёлари сувларида кўп миқдорда токсик металлар, сурма, симоб, кадмий, стронций ва бошқа зарарли моддалар мавжудлиги аниқланиб, бу моддалар билан ифлослантирувчи манбалар асосан Тожикистоннинг саноат корхоналари ҳисобига эканлиги аниқланган. Ўзбекистон Республикасининг Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларини сув билан таъминловчи Зарафшон дарёси Тожикистон Республикасининг Помир-Олой тоғ тизмаларидан бошланади. У ҳам кўпроқ трансчегаравий таъсир остида бўлганлиги сабабли дарё суви асосан Тожикистон Республикаси тоғ-кон комбинати объектларидан чиқариб ташланаётган токсик металлар, сурма, симоб каби моддалар билан ифлослантирилаётганлиги ва дарада сув ҳажми йилдан-йилга камайиб бораётганлиги кузатилмоқда. Сувларнинг ифлосланганлик индекси (СИИ) кўрсатгичи бўйича Амударё суви III – ўрта меъёр ифлосланганлик тоифасида сақланиб турибди.

Юқоридагиларга асосланиб айтиш мумкинки, Тожикистонда қурилиши амалга оширилаётган Роғун ГЭСи Амударё сув ҳавзаси ҳажми ва сув сифатига таъсир этгани ҳолда Орол бўйи ҳудудида экологик вазиятни янада кескинлаштиради. Бу ҳолат нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақасида катта экологик таҳдидни келтириб чиқариши мумкин. Айни пайтда ушбу объект хавфли сейсмик ҳудудда жойлашганлиги туфайли Тожикистон Республикасининг ўзи учун ҳам катта хавф туғдириб, содир бўлиши эҳтимоли бўлган табиий офат натижасида оғир оқибатларни келтириб чиқаргани ҳолда жуда катта миқдорда иқтисодий зарар етказиши мумкин. БМТ Бош Ассамблеясининг 1962 йил 18 декабрдаги "Иқтисодий ривожланиш ва табиат муҳофазаси тўғрисида"ги резолюцияси, БМТнинг Низоми ва кўпгина халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланганидек, ҳар бир давлат ўз ҳудуди ёки назорат доирасидаги ҳаракатлари ўзга ҳудуд ёки назорат доирасида турган давлатларга зарар етказмаслиги ва булар учун жавобгар эканлигини унутмаслиги лозим. Шу сабабли ҳам Роғун ГЭСи лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати талабларидан келиб чиққан ҳолда БМТнинг ваколатли ташкилотлари томонидан ҳар томонлама комплекс, мустақил, холис экологик экспертизадан ўтказилиши лозим.

Қисқаси, бутун бир минтақа халқлари манфаатига зарар етказган ҳолда манфаат кўриш гуноҳ эканлигини тожикистонлик қўшниларимиз эсга олсалар ёмон бўлмасди.

**Фарҳод ҚУВВАТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати**

**Холмурод ИСАНОВ,**
**юридик фанлари номзоди**

## 2010 йилда 1 млрд. дарахт

***БМТнинг атроф-муҳит бўйича дастури (ЮНЕП) мутахассислари сайёрамизда яшил бойликни сақлаб қолиш мақсадида Ер юзидаги ҳар бир одамни йил давомида биттадан дарахт ўтказишга чақирган, деб хабар беради "Новости" ахборот агентлиги.***

БМТнинг тахминига кўра, шу орқали жорий йилда ерликлар энг камида 1 миллиард дарахт экиб, кўкаламлаштириш ишларига муносиб ҳисса қўшган бўлардиди. Таъкидлаш жоиз, мазкур ташаббус илк бор янграётгани йўқ. 2008 йилда ташкилотнинг Найробида, 2009 йили Копенгагенда бўлиб ўтган иқлим ўзгаришлари бўйича конференциясида илгари сурилган эди.

Эслатиб ўтамиз, ҳар йили ер юзида 14,6 миллион гектар ўрмонлар йўқ бўлиб кетади. Бу эса ўсимликлар ва жониворлар оламидаги, атроф-муҳитдаги фожиали ўзгаришларга сабаб бўлмоқда, дея маълум қилади Бирлашган Миллатлар Ташкилоти.

## Ёрдам кўрсатилади

***Франция ва Германия ҳукуматлари Грецияга 30 миллиард евро миқдорида молиявий ёрдам кўрсатишга қарор қилган.***



Австрияда чоп этиладиган «Kurier» газетасининг ёзишича, мазкур икки давлат раҳбарлари Европа марказий банки билан ушбу масалани муҳокама этишган ва Германия ҳукумати тўғридан-тўғри 20 миллиард евро ҳамда расмий Париж эса 10 млрд. евро миқдорида Грецияга молиявий кўмак берилишини маълум қилишган. Яна қолган 15 миллиард евролик маблағлар кредитларнинг кафолати ва Греция давлат облигацияларининг сотилишига қараб берилади.

Хабарларга қараганда, ҳозир Грециянинг умумий давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 130 фоизни ташкил этади. Ҳукумат бюджет дефицитини қисқартириш мақсадида қатор фавқулодда чораларни кўрмоқда. Жумладан, солиқларни ошириш ҳамда турли ижтимоий тўловларни қисқартириш шулар жумласидандир. Ҳукуматнинг айни шундай хатти-ҳаракатлари аҳолининг жиддий норозилигига сабаб бўлмоқда.

## 13 йилдан сўнг

***Швециялик учувчи сохта лицензиядан 13 йил давомида фойдаланиб келгани аниқланган.***

Голландия полицияси Боинг-737 самолётини бошқаришни мақсад қилиб 13 йил давомида сохта лицензиядан фойдаланиб келган учувчини қамоққа олган. 41 ёшли учувчи Амстердам аэропортида Боинг-737 самолётининг бошқарув кабинасида қўлга олинган. Рейтерс хабарига кўра, жиноятчининг ёнидан махсус «лицензия» ҳам топилган. Мазкур самолёт 101 нафар йўловчини Туркиянинг Анқара шаҳрига етказиши керак бўлган. Исми ошкор этилмаган жиноятчининг берган маълумотича, у кичик самолётларни бошқариш ҳуқуқига эга бўлган, боз устига ушбу ҳужжатнинг муддати аллақачон тугаганди.

Маълумотларга қараганда, учувчи 13 йил мобайнида Буюк Британия, Бельгия ва Италияга бир неча бор парвозларда қатнашган. Жиноятчи 2008 йилдан буён Туркиянинг Corendon Airlines авиакомпаниясида фаолият юритиб келган.

## ДУНЁДАН ДАРАКЛАР



## Интернетда реклама жойлаштиринг

***АҚШда интернет рекламалари босма нашрлардан ўзиб кетди.***



Америка Қўшма Штатларида биринчи маротаба интернет-реклама учун сарфланган харажатлар босма нашрларга нисбатан ошиб кетган. Financial Times газетасининг «Outline Incorporated» компанияси маълумотларига таяниб хабар беришича, 2010 йилда Америка компаниялари турли онлайн ва рақамли рекламалар учун 119,6 миллиард доллар маблағ сарфлашади. Айни вақтда босма нашрларда бу кўрсаткич 111,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Умуман, компаниялар ўрта ҳисобда интернетда реклама учун ўз бюджетларининг 32,5 фоизидан воз кечишга тайёр. Бу рақам газета ва журналларда 30,3 фоизга етади.

Мутахассисларнинг сўзларига кўра, глобал молиявий-иқтисодий инқироз босма нашрларнинг доимий реклама ҳажмига ҳам жиддий таъсир қилган. Хусусан, 2009 йилда АҚШда журналларда реклама бозори 26 фоиз, газеталарда эса 8,2 фоизга пасайиб кетган. 2009 йилда Буюк Британия интернет реклама харажатлари телевидение рекламалари харажатларидан ошган биринчи мамлакат бўлганди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди**

РАНГИН ДУНЁ

**Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА,**
**«Milliy tiklanish» мухбири**

***Ер юзида она табиат инъом этган шундай мўъжизалар борки, уларни санаб адоғига етиш қийин. Аммо, олам ғаройиботлари ҳақида оз бўлса-да тасаввурга эга бўлмасликдан ёмони йўқ. Гарчанд, биргина мақола орқали ер юзидаги барча табиат мўъжизалари тўғрисида тўхталишнинг иложи бўлмаса-да, аммо сайёрамиз ғаройиботларининг энг қизиқарлиларини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.***

## Сайёрамиз ғаройиботлари

### ЁХУД МОҲИР ТАБИАТ МЎЪЖИЗАЛАРИ

### Гигантлар йўли



Ирландияда жойлашган ҳамда баҳайбат йўлни эслатувчи табиат мўъжизаси ҳамиша одамлар диққатини тортиб келган. Маълумотларга қараганда, қадимда ушбу «йўл» ўрнида вулқонлар отилиб турган. Бунинг натижасида ер қатламида табиий ўзгаришлар юз бериб, геометрик шаклдаги ажойиб тошқотган йўл пайдо бўлган экан. Йўлакнинг ҳар бир қисми ўзига хос шаклга эга бўлиб, энг каттасининг баландлиги 12 метрни ташкил этади.Салкам 40 мингта базальт колонналар билан қопланган майдонни фақатгина Шимолий Ирландиянинг шарқий қисмидагина учратиш мумкин. Дарвоқе, 2005 йили Times нашриёти ўтказган сўровномага биноан Гигантлар йўли(Giants Causeway) Буюк Британиянинг «тўртинчи мўъжиза»си дея эътироф этилган.

### Тошқотган тўлқин



Аризона ҳамда Юта штати чегарасидаги қизил тошдан ҳосил бўлган манзарани америкаликлар тошқотган тўлқин(The Wave) деб аташади. Чунки, унга бир маротаба қараган инсоннинг кўз олдида пишқириб тошаётган сув тўлқини келади. Аммо, оддий сувнинг бу тўлқинга умуман алоқаси йўқ. Бу мўъжиза йиллар давомида табиатнинг эврилишлари туфайли ҳосил бўлган. Тўғрироғи, оддий шамол ана шу манзаранинг яралишига сабаб бўлган экан. Ундаги қизил тош эса аслида 190 млн. йил аввал, қизил қумнинг тош сифат монолитга айланишидан ҳосил бўлган. Бугунги кунда бу ажиб манзарага янада чирой бериб турган ноёб тошлар талон-тарож қилинмаслиги учун қонун ҳимоясига олинган. Сайёҳлар орасида бу ер унчалик машҳур эмас. Ушбу табиат мўъжизасини кўриш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Чунки, у ерга етиб боришнинг ўзи бир машаққат бўлиб, тахминан 5 км. масофани пиёда юриб ўтишга тўғри келаркан.

### Ғордаги мовий кўл



Бразилиянинг Mato Grosso do Sul ҳудудида бир нечта ер ости кўллари мавжуд. Шулардан бири — ғордаги мовий кўл ўзининг ғаройиблиги билан ажралиб туради. Айтишларича, унинг чиройини таърифлашга сўз ожиз. Кўл нафақат тиниқ-тоза суви билан, балки рангининг мовийлиги ҳамда ён-атрофидаги табиий ҳосил бўлган хушманзараси билан ҳам ажралиб туради. Айтишларича, ер остидаги кўл атрофида ажойиб шакллардаги сталактит ва сталагмитлар пайдо бўлган. Улар кўлдан таралаётган мовий нур таъсирида ўзгача бир тусга кириб, гўзал манзарани яратади. Бу гўзаллик сайёрамизнинг ҳеч бир сайёҳини бефарқ қолдирмайди.

### Саҳрои кабирнинг кўзи



Улкан чўлнинг жануби-шарқий қисмида табиат инъом этган яна бир антиқа манзара борки, у ҳам неча асрлардан буён олимларнинг ҳайратини ошириб келмоқда. «Саҳрои Кабирнинг кўзи» номини олган ушбу мўъжиза ҳақиқатан ҳам кўз шаклида бўлиб, уни ҳатто сунъий йўлдошдан туриб ҳам кўриш мумкин экан. «Кўз»нинг диаметри 50 километрни ташкил этади. Авваллари олимлар уни метеорит тушиши оқибатида пайдо бўлган «қадимги метеорит кратери» деб ўйлашган. Айни пайтда эса мутахассислар ўз тадқиқотлари хулосасида бу айлана ер қатламининг сурилиши ва эррозия таъсирида ҳосил бўлган, деган назарияни илгари суришмоқда. Аммо, олимлар бу масалада ҳали бир тўхтамга келишганича йўқ. Негаки, Саҳрои Кабир кўзининг пайдо бўлишининг аниқ сабаблари аниқланмаган.

### Улкан кўк туйнук



Табиат мўъжизалари акс этган ажойиб ҳужжатли фильмлар ва қатор китоблари билан дунёга машҳур сайёҳ Жак Ив Кусто ўз даврида улкан кўк туйнукни кашф этган инсон ҳисобланади. Бу туйнук Белиз маржон ороллари марказида жойлашган бўлиб, кўринишидан сув тубидаги қудуққа ўхшаб кетади. Қудуқнинг диаметри 400 метр, чуқурлиги 145 метрни ташкил этади. Геологларнинг таъкидлашича, авваллари улкан кўк туйнук ўрнида сўнгги музлик даврида пайдо бўлган оҳакли ғор тизими бўлган экан. Ўша даврда денгиз сатҳи ҳозиргига қараганда бирмунча паст бўлган. Музлар эригач ғор сув остига ғарқ бўлган. Қудуқнинг туби денгизга нисбатан чуқурроқ бўлгани учунми, сувнинг ранги ҳам анча тўқроқ кўринади. Шунданми, юқорида турган кишига денгизнинг қоқ марказида кўм-кўк туйнук бордек туюлади.

### Антилопа дараси



Яна Аризона штатига қайтамиз, негаки у ерда яна бир геологик мўъжиза борки, у ҳам ғаройиб кўриниши билан бошқаларидан ажралиб туради. Нима учун бундай ном берилган билмади-ку, лекин айтишларича, бу маскан худди ўзга сайёрадек кўринади. Ҳатто бу ерда кўплаб фантастик фильмлар суратга олинар экан. Аслида иккига бўлинган бу маскан юқори ва қуйи каньон деб аталади. Ҳиндуларнинг навахо қабиласи бу ерни «бигханилини», яъни «тошни кесиб ўтган сув йўли» деб ҳам атайди. Бу ажойиб манзаранинг муаллифлари эса табиий шамол ва сув экан.

Дарҳақиқат, ер юзида табиат таъсирида яралган бундай мўъжизалар ниҳоятда бисёр. Беихтиёр уларга қараб туриб, ҳақиқатан ҳам табиат нақадар моҳир санъаткордир, дегинг келади.

# НИГОҲ




## ЎГИТ

**Ҳирс саробга талпинур беҳуда, бас,**
**Ақлу идрок дер: сароб ул, сув эмас.**

* * *

**Дўстни кўрсанг, дилда меҳринг бир жаҳон,**
**Ёвни учратганда қаҳринг ончунон.**

*Жалолиддин РУМИЙ*

## БИЛАСИЗМИ?

Корейслар орасида фамилиядошлар жуда кўп. Ким, Ли, Парк, Чой ва Чунг каби фамилиялар Жанубий Кореяда ниҳоятда оммалашган. Аҳолининг салкам 50 фоизи ана шу фамилияларда. Шунга қарамай, фамилиядошлар бир-бирини ҳудудий жойлашувга кўра осонгина фарқлашади. Энг қизиғи, корейс аёллари турмуш қургач, эрининг фамилиясига ўтолмайди. Фақат унинг фарзандигина ота фамилиясини олиши мумкин.

* * *

Филиппин байроғи вақти-вақти билан ўзгариб туради. Масалан, байроқнинг пастга қараган қисми қизил, юқорига қарагани кўк рангда бўлса, билингки, Филиппинда ҳарбий ҳолат эълон қилинган бўлади.

## ТУРФА ОЛАМ

### Кексалик - касаллик дегани эмас

***Спортда ўзига хос рекорд ўрнатган 75 ёшли Жорж Керр кексалик касаллик эмаслигини амалда исботлай олди.***



Қария дзюдо бўйича «олий дан»га лойиқ кўрилган еттинчи инсон бўлди. Мазкур даражага эришиш шу кунга қадар саноқли инсонларгагина насиб қилган. Қолаверса, дзюдо тарихида биринчи бор япон миллатига мансуб бўлмаган спортчи ана шундай юксак унвонга мушарраф бўлиши. Керрнинг айтишича, у спорт билан 8 ёшидан бошлаб шуғулланиб келаркан. 1975 йили Керр Европа чемпионатининг олтин медалини қўлга киритган. Ҳозирда у Эдинбургдаги дзюдо клубини бошқарибгина қолмай, ёшларга ана шу спорт туридан сабоқ бериб келмоқда. Керр нафақа ёшида бўлишига қарамасдан ҳали ҳам тетик. У ҳали бери спортни тарк этиш ниятида эмас.

### Швейцариялик «одам-амфибия»

***Петер Колатнинг севимли машғулоти сиз ўйлагандек оддий иш эмас. У сув остида узоқ вақтгача нафас олмай тура олади.***



Яқинда Петер рекорд натижани қайд этди. У сув остида нақ 19 дақиқаю 21 сония нафас олмай турди. Ушбу натижа Сент-Галлен шаҳарчаси яқинидаги ҳовузда қўлга киритилган. П.Колатнинг айтишича, у дастлабки 12 дақиқа давомида кислород етишмаслигидан сира қийналмаган, бироқ кейинги дақиқаларга келганда бор кучини ишга солишга мажбур бўлган эмиш. Шундай қилиб, 38 ёшли спортчи сув остида 19 дақиқа нафас олмагани учун Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олди. Эслатиб ўтамиз, бунга қадар ушбу йўналишда италиялик Николе Путиньяно етакчи эди. Сув остида салкам 20 дақиқа нафас олмасликни тасаввур қилиш қийин, албатта. Шу боис, швейцариялик спортчи бунга узоқ тайёргарлик кўрган. Ҳатто, сувга тушишдан олдин у камида 10 дақиқа тоза кислород ютишига ҳам тўғри келган.

### Кулинг, умрингиз узаяди

***Мэриленд университети тадқиқотчиларининг фикрича, мириқиб кулиш инсон умрини узайтиради.***



Айниқса, юрак ва мия хасталикларига чалинган инсонлар ҳаммадан кўра кўпроқ кулишлари керак экан. Кулгитерапия уларга ниҳоятда фойдали эмиш. - Бироқ, шунчаки хиринглаш кетмайди, балки дилдан кулиш лозим, шундагина унинг самараси билинади, - дейди америкалик тадқиқотчилар. Ҳозирги кунда кулги билан даволаш амалиёти нафақат Америкада, балки Ҳиндистонда ҳам кенг қўлланиб келинади. Бу ерда ана шу ишга йўналтирилган махсус кулгу клублари фаолият олиб боради. Энг қизиғи, ҳиндлар қушлар ва бошқа жониворларнинг кулгисига ҳам тақлид қилишни билар экан. Демак, дилдан кула олган инсон юрак оғриғи, қон босими деган «бало»ларга йўлиқмас экан, кулинг умрингиз узаяди.

**З.ЗОИРЖОНОВ**
**тайёрлади**

## ШОДИЁНА

# Хуш келдинг, Наврўз!

## МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ГЎШАЛАРИДА БАЙРАМГА КАТТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА

Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг барча муассаса ва ташкилотларида Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда.

- Байрамни ҳар томонлама тўлақонли ўтказиш юзасидан вазирликнинг ишчи гуруҳи тузилди,- дейди Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири ўринбосари Аманбек Адилбеков. - Шу кунга қадар жамоалар тайёрлаган хореографик композициялар республика қўмитаси томонидан кўриб чиқилди. «Айқулаш жулызлари» қорақалпоқ миллий фольклор ансамбли «Ауылда той» хореографик мусиқий композицияси билан Тошкент шаҳрида ўтказиладиган байрам томошасида иштирок этишга тавсия этилди. Нукус шаҳрида ташкил этиладиган байрам тадбири Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби П.Айтмуратовнинг сценарийси асосида «Хош келдин жыл басы-ассалом Наурыз» номли дастури асосида амалга оширилади.

Тадбирлар давомида халқ сайллари, таниқли санъаткорлар ва эстрада юлдузлари билан учрашувлар, концерт дастурлари ўтказилиши режалаштирилмоқда.

* * *

Жиззах вилоят Юнус Ражабий номли мусиқали драма театрида Наврўз байрамига энг яхши қўшиқларни саралаш мақсадида «Баҳор тароналари» вилоят кўрик-танлови ўтказилди. Бой маънавий меросимизни ёшлар онгига сингдириш, уларни кенг оммага танитиш учун бўлиб ўтган ушбу танловда бахши, оқин ва эстрада ижрочилари Наврўз ҳамда аёлларимизни мадҳ этувчи қўшиқлари билан иштирок этдилар.

Танловда 1-ўрин Жиззах шаҳридан Фарҳод Фармонов, 2-ўрин Жиззах туманидан Ғайрат Урдушев, 3-ўрин эса Фориш туманилик Адҳам Қозоқовга насиб этди. Ғолиблар «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси вилоят бўлимининг жойларда маданий хизмат кўрсатиш ҳуқуқини берувчи лицензияларига эга бўлишди.

* * *

Бухорода ҳам мазкур байрамга жиддий ҳозирлик кўрилмоқда. Наврўз дастурларига вилоятнинг «Миришкор», «Қасри орифон», «Мардона» фольклор-этнографик халқ жамоаси, «Жондор» фольклор жамоаси чиқишлари режалаштирилмоқда. Вилоятнинг олийгоҳлари коллежлари ва мактаб ўқувчилари, боғча жамоаси, «Шўх болалар» дастаси, Садриддин Айний ҳамда вилоят қўғирчоқ театрлари, «Бухоро гўзаллари», «Бухорча» ансамбли, академик ва бадиий халқ жамоалари байрам дастурини юқори савияда ўтиши учун тайёргарлик кўришмоқда. Яна айтиш жоизки, айни пайтда мамлакатимизнинг барча вилоят, туман, шаҳар ва қишлоқларида Наврўз байрамига тайёргарлик ана шундай қизғин кечмоқда.

**Мухтасархон КАРИМОВА**

ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси ва партия Тошкент шаҳар кенгаши ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Мусаллам Умировага фарзанди

**ФЕРУЗжон**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

* * *

ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси партия Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси девони бош ҳисобчиси Райҳон Бобомирзаевага онаси

**РАҲБАРОЙ ая**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши Ижроия қўмитасига Тошкент шаҳар статистика бошқармаси томонидан ИНН: 205136841 га берилган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли эътибордан соқит ҳисоблансин.

Юлдашев Сарвар Хайруллаевич номига Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институти томонидан 2002 йил берилган 273517 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Каримов Джурабой Ҳусанович номига берилган № 0902/10667 уй далолатномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ:
«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир:
Жалолиддин САФОЕВ

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи-назаридан фарқланиши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун таҳририят жавобгарликни ўз бўйнига олмайди.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
e-mail: milliyt@sarkor.uz

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 223, Адади — 5444

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-69-55, 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41
ФАКС: 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи:
Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир:
Исмат ХУДОЁРОВ
Навбатчи:
Камолиддин ҲОТАМОВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.10.
1 2 3 5